БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 166 (17.746). • 18 июль 1980 йил, жума • Баҳоси 2 тийин.

ЗАФАРЛАРИМИЗ— ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА!

БЎШ ВАҚТ— ЖАМИЯТ БОЙЛИГИ

Жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бунёдкор, ижодкор халқимизнинг сиҳат-саломатлигини янада мустаҳкамлаш, билим ва дам олишига кенг имконият яратиш, умумий маданиятини ошириш, жисмоний камол топтириш йўлида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Икки дам олиш куни билан беш кунлик иш ҳафтасига ўтилганлиги ана шу чексиз ғамхўрликнинг ёрқин далилидир. Умуман, она-Ватанимизда бўш вақтни мазмунли ва маромли ўтказиш учун кенг имкониятлар яратиб берилган.

Бўш вақт шахсни ҳар томонлама камол топтиришда муҳим аҳамиятга эга. Доҳиймиз В. И. Ленин таъбири билан айтганда, бўш вақт дам олиш, билим олиш, киши, оила аъзоси ва граждан бўлиш жиҳатидан ўз ҳуқуқларидан фойдаланиш учун сарфланади.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев СССР касаба союзларининг XVI съездида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Инсон тўғрисидаги ғамхўрлик завод дарвозасидан ташқарига чиқиш билан тамом бўлмайди, тамом бўлиши мумкин эмас, албатта. Совет кишиларининг турмушини яхшилаш, уларнинг сиҳат-саломатлиги ва дам олиши тўғрисида, меҳнаткашлар ва уларнинг оилалари бўш вақтларидан ўзи ва жамият учун фойда келтирадиган тарзда оқилона фойдаланиши ҳақида ғамхўрлик қилиш — социал снёсатимизнинг жуда катта соҳасидир. Техника ижодкорлиги, физкультура ва спорт машғулотлари, бадиий ҳаваскорлик — шуларнинг ҳаммаси миллион-миллион кишиларнинг эҳтиёжига айланди».

Бўш вақт — гуркираб ўсаётган жамиятимизнинг улкан бойлиги. Меҳнаткашлар ўзларининг бўш вақтларида маънавий дунёсини бойитиб, меҳнатда ва ижодда қувончли натижаларга эришмоқдалар. Бўш вақтдан ишнинг кўзини билиб ва мақсадга мувофиқ фойдалангандагина у жамият учун, ҳар бир киши учун чинакам наф келтириши мумкин.

Киши самарали ўтган меҳнат ҳафтасидан сўнг икки кун бўш вақтга эга. Хўш, у шанба ва якшанба кунларини қаерда ва қандай ўтказади! Ким театрга — янги спектаклга, ким клубга — концерт ёки кинофильм томоша қилишга ошиқади, ким шаҳардан ташқарига — тог-у тошга саёҳатга чиқади. Ҳозирги вақтда қудратли идеологик қурол — маданий-оқартув муассасалари меҳнат аҳлининг бўш вақти мазмунли ва маромли ўтишида муҳим роль ўйнамоқда. Бу маданият ўчоқларининг совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаб боришдаги аҳамияти янада ортмоқда. Эндиликда республикамизда қўплаб маданият уйлари ва саройлари, клублар ва музейлар, кутубхоналар, халқ университетлари, кино-театрлар ва бошқа знё масканлари ишлаб турибди. Айниқса, меҳнаткашлар дам олиши бўйича республика Советининг аҳолининг дам олиши ва бўш вақтини кўнгилли ўтказиш борасида амалга ошираётган тадбирлари диққатга сазовордир.

Узбекистон касаба союзлари ҳам меҳнаткашлар бўш вақтларидан дам олишини ташкил этиш проблемасини муваффақиятли ҳал этиб бормоқда. Шаҳар ва посёлкаларнинг аҳолиси бўш вақтларида маромли сайр қилиши, соф ҳаводан жонажон ўлка гўзаллигидан баҳраманд бўлиши учун барча имкониятлар яратилган. Фақат республика касаба союзлари ихтиёридагина саккизта ихтисослаштирилган санаторий, саккизта дам олиш уйи, саксонта санаторий-профилакторий, 200 дан ортиқ завод дам олиш базаси, ўн тўққизта туристик база бор. Шаҳарларда ва уй-жой кварталларида янги дам олиш истироҳат боғлари, зоналар, спорт майдончалари барпо этиляпти. Ишчи, хизматчилар ва улар оилаларининг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш ишлари Наманган, Фарғона областлари, Навоий шаҳри, «Узбекшахтострой», Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Узбектекстильмаш» ва В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмалари, Энергетика ва электрлаштириш, Енгил саноат, Қурилиш министрликлари меҳнат коллективларида яхши йўлга қўйилган.

Бироқ шундай министрлик ва идоралар, муассаса ва ташкилотлар, колхоз ва совхозлар ҳам борки, у ерларда меҳнат аҳлининг бўш вақти ва дам олиши маромли, кўнгилли ўтишига етарли эътибор берилмайди, шахснинг камолоти учун қулай имкониятлар яратилганига қарамай улардан етарли фойдаланилмайди. Меҳнаткашлар қандай дам олишяпти! Улар бўш вақтларини қандай ўтказишяпти! Бу муҳим социал масала баъзи корхона ва хўжалик раҳбарларини, касаба союз ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларини ташвишга солмаётгани ачинарли ҳолдир. Қорақалпоғистон АССР, Жиззах областининг меҳнаткашлар дам олишини ташкил этиш комиссиялари бу борада актив фаолият кўрсатмаётирлар. Республикамизда икки ярим мингдан ортиқ йирик корхона бўлиб, шундан фақат 233 тасидагина дам олиш базаси бор, холос. Бухоро, Сурхондарё областлари касаба союзлари, хўжалик органлари меҳнаткашлар дам олишини ташкил этиш ишларини тубдан кўриб чиқишлари керак.

Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, маданият ходимлари, хўжалик раҳбарлари ва уй бошқармалари коллективлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг бўш вақтлари ва дам олишларини маромли ўтказишга даъват этилган эканлар, бунинг учун ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишларнинг самарадорлиги учун жавобгардирлар. Ҳар хил кўнгилсиз воқеалар — ичкиликбозлик, безорилик ёки бекорчилик мақсадсиз ва бефойда ўтган бўш вақт туфайли содир бўлади. Фақат давлат органлари билан жамоатчилик биргаликда изчил кураш олиб боргандагина бу иллатга қатъий чек қўйиш мумкин. Бунинг учун эса жойларда маданий-оқартув ишларини намунали йўлга қўйиш керак.

Меҳнаткашлар бўш вақтларининг мазмунли ва кўнгилли ўтишида спорт ва туризмнинг аҳамияти катта. Бунинг учун қўйи физкультура ташкилотларини янада мустаҳкамлашга, ҳар бир микрорайонда, посёлкада, маҳаллада ва қишлоқда оммавий спорт мусобақаларини мунтазам уюштириб туришга ҳамда спорт-физкультура, туризм ишларида жамоатчилик асосларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш керак.

ЧЕКАНКА ҚИЗҒИН

Жиззах область Зарбдор районидаги «Партия XXV съезди» совхози пахтакорлари 4300 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Механизаторлар жами ҳосилни машиналар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган. Шунинг учун ғўзалар машина теримибоп қилиб ўстирилятпи. Совхозининг 4- ва 5-бўлимларида ғўзани чеканка қилиш қизғин давом этяпти. Ҳар бир бўлимда 3 та чеканка қилиш агрегати юксак унумларда ишлатилаётир. Механизаторлар бу муҳим агротехника тадбирини сифатли ўтказишга алоҳида эътибор беришмоқда. Суратларда: ғўзани чеканка қилиш ва совхозининг илғор бригада бошлиғи Саломат Холматова миришкор сувчи Қодирбой Эсиргапов билан пахтазорда.

А. Тўраев фотолари.

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Совет — Вьетнам иқтисодий ҳамкорлигининг 25 йиллиги муносабати билан Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар Вьетнам Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ле Зуанга, Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи ўртоқ Нгуен Хну Тхога, Вьетнам Социалистик Республикаси Миллат мажлиси доимий комитетининг Раиси ўртоқ Чионг Тинга, Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукуматининг Бош министри ўртоқ Фам Ван Донгга табрик телеграммаси йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

Бизнинг иқтисодий алоқаларимиз ўтган чорак аср мобайнида Совет Иттифоқи билан Вьетнам ўртасидаги муносабатлар бутун комплексининг муҳим қисми бўлиб қолди. Экономика, фан ва техника соҳасидаги яқин ҳамкорлик мамлакатларимизнинг халқ хўжалиги потенциалларини мустаҳкамлаш манфаатларига, Совет ва Вьетнам халқларининг бунёдкорлик меҳнати вазифаларига самарали хизмат қилмоқда.

Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Совет — Вьетнам шартномасининг мустаҳкам негизида барча соҳаларда биргалашиб иш кўришнинг турли формаларини чуқурлаштириш ва такомиллаштириш СССР билан ВСР ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичига хос хусусиятдир.

Яқинда олий даражада ўтказилган Совет — Вьетнам учрашуви Совет Иттифоқи билан Вьетнам ўртасидаги бирдамликнинг ёрқин намойиши, партияларимиз ва мамлакатларимиз ўртасидаги қардошларча алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришнинг янги омили бўлиб қолди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

РОМИТАН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҲИММАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бухоро область Ромитан районида меҳнаткашларининг давлатга пахта сотиш юзасидан ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги ташаббусини маъқуллади.

Область ва район партия комитетларига бу йил 60 минг тонна пахта етиштириб, ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга етказишга, беш йиллик планни 5 сентябргача, якунловчи йилнинг халқ хўжалик пленини эса 1980 йилнинг 1 октябригача бажаришга қарор қилган Ромитан район меҳнаткашларининг ташаббусини кенг кўламда муҳокама этиш топширилди. Ҳар гектар ерниг ҳосилдорлигини бутун чоралар билан ошириш, машина терими салмоғини кўпайтириш шу йил ва умуман ўнинчи беш йилликка қабул қилинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун пахтакорларнинг социалистик мусобақаси кенг авж олдирилсин.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министрлигига, «Госкомсельхозтехника»га ва уларнинг жойлардаги органларига терим техникаси ремонтини тугаллашда, терим агрегатларини икки сменада ишлашини ҳисобга олиб механизаторлар билан таъминлашда, пахта терими кампанисини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқишда Ромитан районида хўжаликларига ёрдам бериш таклиф қилинди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига давлатга пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотиш планлари ҳамда социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун пахтакорларнинг социалистик мусобақаси қандай давом этаётганлигини кенг ёритиш топширилди.

БУХОРО ОБЛАСТЬ РОМИТАН РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЮЗАСИДАН ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИБ, КПСС XXVI СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ ҚУТИБ ОЛИШ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСИ

Ромитан райони меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленумининг тарихий қарорларини ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумдаги ёрқин ва серамазмун докладини ҳамда КПСС XXVI съездини чақириш тўғрисидаги хабарни яна ҳам илҳомбахш ижодий меҳнатга, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида янги зафарларга даъват сифатида қабул қилдилар.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг кундалик ёрдами, деҳқонлар ва чорвадорларнинг фидокорона меҳнати туфайли район хўжаликлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишда муайян муваффақиятларга эришдилар. Дон, гўшт ва тухум етиштириш ҳамда давлатга топшириш юзасидан беш йиллик план барвақт бажарилди. Сабзавот, полиз маҳсулотлари, сут, жун ва қорақўл тери етиштириш топшириқлари яқин кунлар ичида адо этиладн.

Тўрт йил ичида давлат 190 минг тонна Ромитан пахтасини олди, бу эса планга нисбатан 122 процентни ташкил этади. Бултур пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 43,3 центнер бўлди, яъни шу беш йилликнинг биринчи йилидагига қараганда 10 центнер кўпайди.

Ҳамма жойда пахта териш машиналарининг қўлланилганлиги район хўжаликларида пахта тайёрлаш суръатларини ошириш ва уни йиғиб-терб олиш муддатларини қисқартириш имконини берди. Ўтган йили ҳосилнинг 60 проценти, кўпгина хўжаликларда эса 75—80 проценти машиналарда териб олинди.

Район меҳнаткашлари партия XXV съезднинг, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларининг қарорларини бажара бориб, беш йиллиқнинг якунловчи йили учун янги марраларни белгиладилар. КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар, ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Пахтакорлар пландаги 42 минг тонна ўрнига 60 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга, ҳар гектар ердан 50 центнер пахта олишга аҳд қилдилар. Бунинг учун пухта замин ҳозирланган. Экиш ишлари энг яхши муддатларда ўтказилди, уруғ қийғос униб чиқди ва ғўзаларнинг энг мақбул қалинлигига эришилди. Экилар юқори сифатли парвариш қилинмоқда, озиқлантирилмоқда ва сугорилмоқда, ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши курашга катта эътибор берилмоқда. Биринчи августгача ҳар туп ғўзада 9—10 тадан, август ойи мобайнида эса ҳар 5—6 тадан кўсак тўпланиши кутилмоқда.

Хўжаликларнинг ҳаммасида мўл ва эртаги ҳосил тўплашнинг ҳал қилувчи ойлари бўлган июль—августда ғўзани парвариш қилиш тадбирлари ишлаб чиқилган. Ҳар бир дала, ҳар бир туп ғўза назорат остига олинган. Райондаги сувчилар, механизаторлар, барча пахтакорлар астойдил ишламоқдалар. Қолган вақт ичида экинларга 3—5 марта комплекс ишлов беришга қарор қилинди. Биринчи августгача чеканка тугалланади, бу ишни асосан механизацилаштирилган усулда ўтказиш кўзда тутилган, 78 та чеканка агрегати тайёрлаб қўйилди. Мутахассислар далаларнинг аҳволи, агротехника тадбирларини ўтказиш сифати устидан назоратни кучайтирдилар. Пахтазорларнинг кўпчилигига Сифат белгиси берилган.

«Октябрь 50 йиллиги» совхозининг, Нариманов номли, Энгельс номли колхозларнинг деҳқонлари дала ишларини меҳнатлик билан ташкил этиш намунасини кўрсатмоқда. Сувдан тежабтергаб фойдаланишга, культивациялар юқори сифатли ўтказилишига, маҳаллий ва минерал ўғитлар кенг қўлланилишига алоҳида эътибор берилмоқда.

Райондаги бригадаларнинг тўртдан бир қисми гектар бошига 60 центнердан пахта олиш учун курашмоқда. Қўш Ленин орденн кавалери Истам Турсунов, Ғулол Олтинова, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Субхон Рамазонов, Нишоя Жўраев, Зоир Ғаниев, Некбой Музафаров, Фармон Хаитов, Равшан Ражабов бригадалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳосил йиғим-теримига тайёргарлик соҳасида қизғин иш олиб борилмоқда. Пахта териш техникасининг ҳаммаси шай қилиб қўйилган. Ипатоволиклар методи бўйича 22 та терим-транспорт отряди тузилган бўлиб, улар 300 та пахта териш машинасини ва кўсак узувчи 88 та машинани, 25 та пахта подборщигини, 53 та кўрак чувиш машинасини, 363 та трактор прицепини ўз ичига олади. Қўшимча 358 нафар механизатор тайёрланди, бу эса барча механизмларнинг икки сменада ишлашини таъминлаш имконини беради.

Район меҳнаткашларининг мақсади пахтанинг ялпи ҳосилини оширишгина эмас, шу билан бирга унинг сифатини кескин яхшилашдан ҳам иборатдир. Тайёрлаш даврида пахтани бригадалардан алоҳида-алоҳида қабул қилиш илғор усули қўлланилади.

Уруғлик пахтанинг ялпи теримига 15 августдан киришишга қарор қилинди, бу — уни пахта заводларида авваллги йиллардагига қараганда анча барвақт қайта ишлай бошлаш имконини беради.

Далалар бегона ўтлардан батамом тозалангандан кейин 25 августда ғўза дефолиациясини бошлаш ва уни 8—10 кун ичида тугаллаш кўзда тутилмоқда, бу эса ҳосилни машинада теришга анча эртароқ киришиш имкониятини беради. 48 минг тонна пахтани ёки ҳосилнинг 80 процентини машиналарда териш мўлжалланмоқда. «Ромитан» ва «Октябрь 50 йиллиги» совхозларида машинада териладиган пахта 90 процентни ташкил этади. Донгдор механик ҳайдовчиларидан Аҳмад Ҳамроев, Ҳаловат Пирова, Раҳим Назруллаев, Комил Ҳамроев, Шарифа Отаева мавсумда 500 тоннадан ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Район партия комитети юксак мажбуриятлар бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқди, бунда социалистик мусобақани ташкил этишга алоҳида ўрин берилган, ғолибларни маънавий ва моддий рағбатлантириш чоралари кўзда тутилган. Ўзбекистон Компартияси район комитети билан район ижроия комитетининг колхоз ва совхозлар учун иккита кўчма Қизил байроғи, пахта териш ва тайёрлашда юксак суръатларни таъминловчи бригадалар учун вимпеллар таъсис этилди. Ҳосилнинг ҳаммасини пахта теримига шаҳарликлар ва ўқувчиларни жалб этмасдан йиғиб-териб олиш кўзда тутилади.

Йиғим-теримнинг дастлабки кунлариданоқ мактабгача тарбия муассасаларининг ҳаммаси икки сменада ишлайди, барча дала шийпонларида иссиқ овқатни ташкил этиш кўзда тутилган.

Снёсий-оммавий ишларни ўтказиш учун 905 агитатор, 65 сиёсий докладчи ва 605 сиёсий ахборотчи жалб қилинган. Район газетаси, маҳаллий эшиттириш редакцияси, «Жанговар варақалар» ва деворий газеталар социалистик мусобақанинг боришини мунтазам ёритиб туради.

Снёсий ва ташкилотчилик ишларининг ҳаммаси давлатга пахта топириши юзасидан ўнинчи беш йиллик планни 5 сентябргача, шу йилнинг топшириғи эса 1 октябргача бажарилишига бўйсундирилади.

СЪЕЗДОЛДИ МУСОБАҚАСИНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРАЙЛИК

Узбекистон меҳнат коллективлари ўнинчи беш йиллиқни муваффақиятли якунлаш, КПСС XXVI съездини ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқдалар. 500 корхона ва ташкилот, 8500 бригада, смена, участка беш йиллик топшириқларини бажарганликлари тўғрисида ҳозирдаёқ рапорт бердилар. Ишлаб чиқариш илғорларидан саккиз мингдан кўпроқ киши икки беш йиллик планларини бажаришди.

Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг 17 июль куни Тошкентда бўлиб ўтган XI пленумида ана шу маълумотлар келтирилди. Пленум қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленумининг қарорларини ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш юзасидан берган йўл-йўриқларини бажариш соҳасида республика касаба союзларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова доклад қилди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари, деб таъкидланди пленумда, Ленин партияси ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитети, ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Марказий Комитет Сиёсий бюросининг мамлакат экономикасини ривожлантириш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш борасидаги кўп қиррали фаолиятини чин қалбдан маъқуллайдилар ва чексиз қўллаб-қувватлайдилар.

Улар КПСС XXVI съездини ва Узбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, мавжуд резервлардан тўлароқ фойдаланишга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини оширишга интилмоқдалар. 382 корхона коллективи москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, йиллик топшириқни 7 ноябргача бажаришга қарор қилди.

Пленум иштирокчилари қуйидагиларни таъкидладилар: касаба союзлари ташкилотлари социалистик экономикани янада жадал ривожлантиришга, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга кўмаклашишлари лозим. Социалистик мусобақага раҳбарликни такомиллаштириш, уни ташкил этишдаги расмиятчилик кўринишларини қатъият билан бартараф этиш, мусобақанинг кенг ошкоралигини таъминлаш, илғор тажрибани практикага зўр ғайрат билан жорий этиш зарур. Қишлоқ касаба союз ташкилотларининг ишини активлаштириш, давлатга пахта, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини топириш юзасидан олинган юксак мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажариш учун курашда уларнинг ролини ошириш ғоят муҳим вазифадир.

Пленум қатнашчилари республика касаба союзлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш ва КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун бутун кучғайратларини сарфлайдилар, деб КПССнинг ленинчи Марказий Комитетига ваъда бердилар.

Пленумда республика касаба союз ва хўжалик ташкилотларининг доимий ишлаб чиқариш кенгашлари ишига раҳбарликни кучайтириш ва уларнинг ишини такомиллаштириш соҳасидаги фаолияти масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Пленум ишида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров иштирок этди.

(ЎзТАГ).

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

17 июль куни Узбекистон ССР Олий Совети Президиумида мукофотлар топширилди.

Тошкентда истиқомат қилувчи, ўн ва бундан кўп бола туғиб, тарбиялаган оналардан бир группасига «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиғи топширилди. Бир қанча кекса ходимлар «Меҳнат ветерани» медалига сазовор бўлдилар.

Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш, алоқа органлари илғорларига, фан ва маданият арбобларига, пропагандистларга Узбекистон ССРнинг фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги гувоҳномалар ва кўкракка тақиладиган тегишли нишонлар, Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев мукофотларни топириб, алоҳида ўрнак кўрсатган ўртоқларни самимий қутлади, уларга сиҳат-саломатлик, Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатларида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

(ЎзТАГ).

САМАРҚАНД ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Самарқанд областининг меҳнаткашлари КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини уюшқоқлик блан ўтказиб, давлатга ғалла сотиш халқ хўжалик планини бажардилар. Ватан омборларига 60 минг тоннадан кўпроқ дон тўкилди.

Областнинг ҳамма районлари меҳнат ғалабасига салмоқли ҳисса қўшдилар. Давлатга ғалла сотиш беш йиллик плани 152 процент бажарилди, 160 минг тоннадан кўпроқ дон ўн биринчи беш йиллик ҳисобига топширилди. 1981 йил ҳосили учун 25 минг тонна уруғлик ғалла қўйилди, уруғлик жамғариш давом этмоқда.

Областдаги барча ғалла қабул пунктлари ғаллани уюшқоқлик билан қабул қилмоқдалар, ғалла ташишда автомобиль корхоналарининг иши пухта йўлга қўйилган.

Ғалла ўрим-йиғими ва уни топириш билан айни бир вақтда барча районларда чорва озуқаси учун сомон тайёрлаш ташкил қилинган, бўшаб қолган серлар ҳайдалмоқда, маккажўхори, ғўза, боғ ва токзорлар парваришни кучайтириб юборилди.

Самарқанд областининг меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун тайёргарлик кўриб, якунловчи йил ва умуман беш йиллиқнинг барча топшириқларини бажариш учун курашмоқдалар.

ТАБИАТНИ АВАЙЛАБ САҚЛАЙЛИК

17 июль куни Тошкентда Ўзбекистон табиатини муҳофаза қилиш жамияти республика кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Табиатни муҳофаза қилишни кучайтириш ва табиат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш соҳасида қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори, шунингдек ҳайвонот дунёси ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги қонунлар қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди. Бу ҳақда жамият республика кенгаши Президиумининг Раиси Г. М. Орлов доклади тингланди.

Қабул қилинган қарорда пленум саноатда ва қишлоқ хўжалигида табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари бажарилиши устидан жамоат назоратини кучайтириш, меҳнаткашларни ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига авайлаб муносабатда бўлиш, кўл, дарёларнинг ҳамда ҳаво ҳавзасининг тозалигини сақлаш руҳида тарбиялашга қаратилган агитация-пропаганда ишларини кенг авж олдириш зарурлигини қайд этди.

(ЎзТАГ).

ЕР ОСТИ ХАЗИНАЛАРИДАН

«Газлинефтедобича» ишлаб чиқариш бирлашмасидан Акрам Икромов бошлиқ бригада топшириқдан ташқари бир ярим минг тонна нефть қазиб чиқарди. Бу коллектив партия XXVI съезди шарафига зарбдор вахтада туриб, йиллик планни 7 ноябргача бажаришга қарор қилди.

Нефть қазиб чиқарувчилар муваффақиятга эришишлари учун барча имкониятлар мавжуд. Бригада бирлашмада биринчи бўлиб автоматлаштириш ва телемеханизациялашни жорий эта бошлади, икки кон-қудуқни насос ёрдамида фойдаланишга ўтказди. Бригаданинг ҳамма аъзолари рационализаторлар. Бригадирнинг ўзи энг кўп таклифлар киритган. Шу беш йиллик бошидан буёнгина унинг ўнта рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: КОМИТЕТНИНГ ИШ УСЛУБИ

АКТИВЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ

Ривожланган социализм шароитида экономикани муттасил юксалтириб бориш вазифалари коммунизм қурувчиларини тарбиялашни такомиллаштириш, омма ўртасида олиб борилаётган голвий ва сиёсий ишларнинг савиясини кўтаришда партия ташкилотлари ролини тобора ошириб боришни тақозо этмоқда. КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш жараёнида тўпланган тажриба, партия Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлари янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш бу борада муваффақият келтирмоқда, бригада, участка ва бутун-бутун коллективлар фаолиятида коммунистларнинг етакчилиги, авангардлик роли ўсмоқда.

Партия группалари ва цех партия ташкилотлари бевосита кишилар орасида иш олиб бориб, меҳнат коллективларида содир бўлаётган барча воқеаларга оператив таъсир кўрсатмоқдалар, партиявий иш самарадорлигини ошириш эришмоқдалар. Улар мураббийчилик ҳаракатини авж олдириб, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усулларини ва янги тажрибани жорий эта бориб, иқтисодий ва социал-сиёсий вазифалар тобора муваффақиятли амалга оширилишига катта таъсир кўрсатмоқдалар. Уларнинг асосий эътибори коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг иқтимоий ва меҳнат активлигини ошириш, социалистик мусобақа ошкоралигини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш масалаларига қаратилмоқда.

Район партия комитети партия группалари ва цех партия ташкилотларига раҳбарликнинг усул ва услубларини такомиллаштира бориб, уларнинг жанговарлигини, иш самарадорлигини тобора орттирмоқда. Сиёсий-ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни амалга ошириш жараёнида коммунистлар, ҳар бир меҳнатчининг касби ва лаёқати алоҳида ҳисобга олинмоқда, шахсий фазилати, ташаббускорлиги, коммунистнинг ҳамиша ва ҳар қандай шароитда олдинда бўлиш масъулиятини ошириш, сўз ва иш бирлигини таъминлаш қўйи партия ташкилотлари амалга ошираётган тадбирларда муҳим ўрин тутаётир.

Тельман номли колхоз ва 1-«Пискент» совхозида ўтказилган семинар-кенгашларда партия группаларининг ташкилотчилари ва цех партия ташкилотларининг секретарлари район партия комитетининг биринчи секретари С. Сайдалиевнинг партиявий иш методларига доир мароқли суҳбатини тинглашди. Семинарда фойдали, жонли фикр олишув бўлиб ўтди. Партия ташкилотчилари йиғилишларни тайёрлаш ва ўтказиш, партияга қабул, ёш коммунистларни тарбиялаш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Қуйи звенодаги ишларнинг аҳволи билан кейинчалик танишув шуни кўрсатдики, партия ташкилотчилари семинарларда ҳосил қилинган қўшимчалар асосида тобора самарали ташаббус кўрсатиб иш олиб борадиган бўлиб қолдилар.

Яқинда 1-«Пискент» совхозида Е. Пономарчук ташкилотчи бўлган партия группаси коммунистларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун дала ишларини кучайтиришда коммунистларнинг авангардлигини ошириш масаласи муҳокама қилинди. Бундай қараганда, бу — анъанавий масала. Бундай масалалар кўпинча расмий муҳокама қилинади, кўп ҳолларда йиғилишда жонли фикр олишув вазияти вужудга келмайди. Лекин Пономарчук масалага янгича ёндашди. У ўз сўзини ўнинчи беш йилликнинг тўрт йили натижаларини таҳлил қилишдан бошлади. Йиғилиш қатнашчилари дастлабки йили йўл қўйилган хаталарни кейинги йиллар тажрибаси асосида чуқур таҳлил қилиб чиқишлари учун қулай вазият вужудга келди. Коммунистлар ўзларининг меҳнатга муносабатларига танқидий баҳо бердилар. Баъзи ҳолларда ишдаги камчиликлар билан муросса қилинганлиги кўрсатиб ўтилди. Айниқса, коммунист Ҳалим Гулиев бошлиқ бригадада сувчилар йўл қўйган хатолар туфайли ҳосил чўғи камайганлиги принципиаллик билан кўрсатиб ўтилди. Бундай ошкора танқид ва холис фикр айрим коммунистларга тўғри хулоса чиқариб олишга, ўзининг ҳаётий позициясини талабчанлик билан қайта кўриб чиқишга эҳтиёж туғдирди.

Биз ўрта бўғин кадрларини танлашда партия қуйи звеноси етакчиларининг фикрини, коммунистлар мулоҳазасини алоҳида ҳисобга оламиз. Шу ўринда бир воқеани эслаш ибратли. Коммунист Гулали Мамедов 2-«Пискент» совхози биринчи бўлимида бригада бошлиғи бўлиб ишларди. У кичик коллективни илғорлар сафига кўтара олди. Шуни ҳисобга олиб, совхоз партия комитетида уни бўлим бошқарувчиси вазифасига кўтариш фикри туғилди. Партия группасида эса Мамедов ҳақида бошқача фикр бор эди. Коммунистлардан Қ. Шукуров, Х. Бегматов, М. Эрнасимовлар сафдошлари бўлим бошқарувчиси лавозимида муваффақиятли ишлаб кетиши учун унда билим етишмаслигини ошкора, холис, рўйрост айтишди. Лекин партком бригадада ҳосилдорликни кўтарган Мамедов каттароқ участкада ҳам ишни эплаб кетади, деган фикрда коммунистларнинг мулоҳазаларини инобатга олмади. Афсуски, орадан кўп ўтмай бригадада тадбиркор раҳбар сифатида танилган коммунист деярли 500 гектар майдонда «оқ олтин» етиштирувчи йирик коллективга муваффақиятли раҳбарлик қилиб кета олмаслиги аён бўлиб қолди. Унда ижрочилик, кўпчилик билан фикрлашиб, мутахассислар билан ҳамкорликда иш юритиб кетиш маҳоратн етишмади. Унга кўп ёрдам берилди. Лекин Мамедов ишга астойдил киришган кезлари ҳам кундалик катта-кичик юмушлар орасидан асосий звенони илғай олмади. Натижада жиддий хатоликларга йўл қўя бошлади. Кечагина уни кўкларга кўтариб юрган айрим раҳбарлар энди Мамедовнинг фаолиятига жиддий эътироз билдира бошладилар. Шунда у аввалги бригадага ишга ўтказилди. У яна тадбиркор бригадир сифатида тилга олина бошлади.

Партия қуйи звеносида иш олиб бораётган коммунистларнинг фикри билан ҳисоблашмасик, уларнинг мулоҳазасига менсимай қараш кадрларни танлашда ана шундай хатоликлар содир бўлишига олиб келган ҳоллар фақат биздагина рўй бермаяпти. Биз бу воқеадан тегишли сабоқ чиқариб олдик. Эндиликда ўрта бўғин кадрларини танлашда партия группалари, цех партия ташкилотларининг фикри истисносиз ҳисобга олинади.

Бундан икки йил муқаддам «Гулистон» совхозида чорвачилик цех партия ташкилотига Тўйчи Худойбердиев етакчилик қиларди. У йиғилишларни ўтказишга пухта тайёргарлик кўрмас, коммунистлар билдирган мулоҳазаларнинг изчил амалга оширилиши учун жон куйдирмасди. Ишдаги бундай юзакичилик коммунистларнинг фаолиятида пассивлик содир бўлишига олиб келди. Улар йиғилишларда муҳокама қилинадиган масалаларга бефарқ қарайдиган бўлиб қолдилар. Натижада жамоат мулкини аваллаб сақлаш ҳисси сусайди, ишда ташаббускорлик ва жонкуярлик сезилмай қолди. Фермада шахсий молларни сақлаш, колхоз ем-хашаги ҳисобига уларни семиртириш ҳоллари содир бўлди. Коммунистлар буни кўриб кўрмаганга ола бошладилар.

Партком ана шуларни ҳисобга олиб, навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилишида секретарни алмаштиришни лозим топди. Ёш коммунист Маърифат Аҳмедова цех партия ташкилоти етакчилигига сайланди. У дастлабки кундан бошлаб коллективда ишчанлик, жонкуярлик, ўзаро талабчанлик вазиятини вужудга келтириш чораларини кўрди. Партия йиғилишлари ишчанлик билан ошкора фикр олишув вазиятида ўтадиган, қабул қилинган қарорлар оғишмай амалга ошириладиган бўлиб қолди. Ана шуларнинг ҳаммаси коммунистларнинг ҳаётий позициясини активлаштиришга олиб келди. Қисқа муддатда сут соғувчилардан Баҳоргул Мўлдамуҳамедова, Маҳбуба Душаевалар партия аъзолигига қабул қилинди. Фермада сут соғиш муттасил кўпаймоқда.

Район коммунистлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида партия XXVI съезди шарафига пахта ҳосилдорлигини янада ошириш, ғўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш учун социалистик мусобақада авангардлик қилмоқдалар. Қуйи партия ташкилотлари уларнинг иқтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини ошира бориб, хўжалик вазифалари, зиммага олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишини таъминлаш чораларини кўраётирлар. Район партия комитети қуйи ташкилотларга раҳбарликни такомиллаштираётганлиги уларнинг меҳнат коллективларидаги ишнинг аҳволига таъсирини тобора кучайтирмоқда. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда, уларнинг активлигини кучайтиришда ана шу тадбирлар асосий омил бўлмоқда.

Т. ХОЛБОЕВ,
Пискент район партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири.

ЙИЛЛИК ПЛАН — 7 НОЯБРГА

ЗАРБДОР ВАХТАДА

КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб меҳнат совғолари билан кутиб олишга аҳд қилган Тошкентдаги «Подъёмник» заводи коллективи механизмларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш учун курашмоқда.

Корхонада пайвандловчи-йиғувчилар бригадасининг бошлиғи И. Григорьев ва металл конструкциялар цехининг йиғув участкасидан пардозловчилар бригадаси бошлиғи М. Ҳасанов съездолди мусобақасига қўшилиб, ўз мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқдилар. Бу икки коллектив беш йилликнинг якунловчи йили топшириғини 7 ноябргача бажаришга қарор қилди. Ҳозиргача июль ойи топшириғи муддатидан илгари бажарилди. Корхона Новолипецк металлургия комбинатининг иллтимосига биноан прокат ташиш учун махсус қурилмани муддатидан илгари тайёрлаб берди.

Шу кунларда бригада яна бир мураккаб буюртмани адо этмоқда. Пешқадам бригада Тошкентда қурилаётган энг катта республика киноконцерт зали учун осма саҳна механизмларини йиғмоқда. Бу топшириқни ҳам муддатидан илгари ва аъло баҳо билан бажаришга қарор қилинган.

ЮҚОРИ СИФАТ БИЛАН

Фарғонадаги «Облколхозстрой» трестига қарашли қурилиш бошқармалари қишлоқларда янгидан-янги муҳташам уйлар қуриб уларни меҳнаткашларга муддатидан илгари ҳадя қилмоқдалар. Яқинда Жалолқудуқ районидаги Димитров номли колхоз агропосёлкасида қад кўтарган 4 та кооператив уй калитлари хўжаликнинг илғор пахтакорлари ва чорвадорларига топширилди. «Облколхозстрой» трестига қарашли Баҳодир Иброҳимов бошлиқ бригаданинг қурувчилари бу объектларни муддатидан илгари юқори сифат билан тугалладилар. Бу бригада коллективи трестдаги энг яхши бригадалардан бири ҳисобланади. Бинокорлар зеленоградлик машҳур қурувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин методи асосида ишлаб, қурилиш сифати ва суръатини тобора оширмоқдалар. Коллективнинг ҳар бир аъзоси икки ва учтадан турдош касбларни пухта эгаллаб олган.

Шу кунларда бинокорлар Димитров номли колхозда болалар боғчасини бунёд этишяпти. Коллектив бу объектни ҳам муддатидан икки ой олдин фойдаланишга топшириш мажбуриятини олган.

ИЖРОКОМ ВА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

МОСКВА РАЙОН МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

«Победа» колхозида мактаб ёшигача бўлган болаларнинг ҳаммаси доимий болалар боғчалари ва яслиларига жалб этилди. Колхоз қишлоғида шаҳарлардагидан қолишмайдиган 5 та доимий болалар боғчаси ишлаб турибди. Бу боғча ва яслиларда кичкинтойларнинг ҳар томонлама мукаммал унибўсишлари учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

«Қизил юлдуз» колхозида ҳам мактабгача ёшдаги барча болалар доимий боғчаларга қатнай бошладилар...

Бу мазкур хўжаликлар экономикаси мустаҳкамланганлиги ва мактабгача тарбияни ташкил этишга маблағ ажратиш имконияти туғилганлигидан далолат беради. Моддий фаровонлик маданий эҳтиёжларнинг ўсишига, колхозчиларнинг ўз фарзандларига яхши тарбия беришига, уларнинг шаҳар маданиятига яқинлашишига интилишларига ҳам олиб келди. Бу илк тажриба бутун Москва райони учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилди. Бу ерга бошқа колхозлардан тажриба ўрганиш учун келиб туришди. Район партия комитети, район ижроия комитети, район халқ маорифи бўлими қимматли ташаббусни оммалаштира бошладилар.

Иш натижалари тезда кўзга ташланиб қолди. 1978 йилда районда 33 та доимий мактабгача тарбия муассасаси мавжуд бўлиб, уларда 3740 кичкинтой тарбияланган эди. Бу райондаги мактабгача ёшидаги болаларнинг атиги 21 процентини ташкил этади. Кейинги икки йил ичида районда 24 та доимий боғча ишга туширилди. Ҳозир эса районда 57 та доимий боғча ишлаб турибди. Бу боғчаларда колхозчиларнинг 11 минг 181 фарзанди тарбияланмоқда. Бир йилда боғчаларда тарбияланувчилар сони 32 процентга ортди. Умуман, район бўйича мактабгача ёшдаги болаларнинг 53 проценти боғчаларга жалб этилди.

Бу жонли рақамлар Москва райони коммунистлари ва депутатларига жуда ёқимли туюлади. Чунки, коммунистлар ва депутатларнинг асосий ташвишларидан бири — меҳнаткаш аёллар ўз болаларидан кўнгиллари тўқ бўлиши, кичкинтойларни ўз ишини биладиган ва ғамхўр тарбиячилар қўлида эканлигига ишонч ҳосил қилишлари учун бор имкониятларни ишга солишдан иборатдир.

Райком, район Совети ижроия комитети ва район халқ маорифи бўлими ходимлари шу ўтган йиллар мобайнида хўжалик раҳбарларига мактабгача тарбияни ривожлантириш зарурлигини тушунтиришга ҳаракат қилибгина қолмасдан, балки болалар боғчалари ишини ташкил этишда уларга ҳар томонлама ёрдам ҳам кўрсатдилар. Боғчалар ишини қайта қуриш тадбирлари ишлаб чиқилди. Жамоат бинолларини боғчаларга мослаштириш ташаббуси туғилди. Аслида бу ташаббусни бундан уч-тўрт йил илгари изборсанликлар бошлаб берган эди. Улар мавжуд бинолларни ремонт қилиб, боғчаларни кенгайтиришганди. Бўз, Қўрғонтепа районларида ҳам бу соҳада анча ишлар қилинди.

Мана энди бу ташаббус Москва районига кўчди. Бир йилда район бўйича 44 та маъмурий бино боғчалар ихтиёрига берилди. Уларда меҳнаткашларнинг 4 мингдан знёд ўғил-қизи тарбияланмоқда. Охунбобоев номли, «Ленинизм», «Правда», «Ленинград» колхозларида йил бўйи ишлайдиган боғчаларнинг иши намунали ҳолга келтирилди. Бу колхозларда доимий боғчалар учун махсус бинолар ажратилиб, қайта ремонт қилинди ва жиҳозланди. Болалар боғчалари кенгайтирилиб болалар комбинатига айлантирилди.

«Октябрь» колхозида мактабгача ёшдаги болаларнинг 70 проценти доимий боғчаларга қатнайди. Колхознинг «Нилуфар», «Ниҳол», «Наврўз», «Навбаҳор» деб аталган боғчалари бизда яхши таассурот қолдирди. Боғчалар озода, шинам безатилган.

Район партия комитетининг бюро мажлисларида, ижроком йиғилишларида, қишлоқ Советларининг сессияларида боғчаларда таълим-тарбия ишларини яхшилаш масаласи қайта-қайта кўрилди. Бир қатор тадбирлар белгиланди. Энг муҳими, мактабгача тарбия педагогика билим юртларига хўжаликлардан қизлар юборилди. Улар аллақачон ўз колхозларига моҳир тарбиячилар бўлиб қайтиб келдилар. Район халқ маорифи бўлими қошида мактабгача тарбия муассасалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бир ойлик курслари ташкил этилди. Ўтган йили ана шундай курсларда 315 тарбиячи таҳсил олди. Барча доимий боғчалар малакали методистлар билан таъминланди. Анчагина мураккаб масала — болалар боғчаларида медицина ҳамширалари ишлаши тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилди.

Эндиликда райондаги мавжуд 57 та болалар боғчалари мудирларидан 7 киши олий, қолган барча мудиралар эса ўрта махсус маълумотга эгадирлар. 411 тарбиячидан 3 киши олий, 213 киши ўрта махсус ва 193 киши умумий ўрта маълумотга эга. Улардан ҳам кўпчилиги мутахассислиги бўйича сиртдан ўқиётир. Ҳозир ҳам кадрлар масаласи район партия комитети, халқ депутатлари район Совети ижроия комитетининг диққат марказида бўлиб келаётир.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Болалар боғчаларида музика тарбиячилари ҳам кўпайиб бормоқда. Боғчаларда ўзбек ва рус тилларида машғулот олиб борадиган тарбиячиларни кўпайтириш масаласи ижобий ҳал этилмоқда. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Ҳар бир боғчага рус тили ўқитувчиси бириктирилган. Улар ҳафтасига бир марта рус тилидан машғулот ўтказмоқдалар.

Болаларнинг овқатланишини ташкил этишга ҳам катта эътибор берилаётир. Райком ва ижроком ёрдамида дала шийпонларидаги 169 та мавсумий боғча-яслиларга сутли таомлар тайёрлайдиган 3 та ошхона очилди. Болалар боғчаларининг ошхоналари махсус тайёргарликдан ўтишган. Овқатланишни ташкил этиш мунтазам равишда назорат қилиб борилади.

Аҳоли турмуш маданиятини ошириш республика кенгашининг шу йил 22 майда бўлиб ўтган мажлиси Москва район партия комитети ва район ижроия комитетининг мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш ва улардаги болалар сонини кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларни маъқуллаб, кенг оммалаштиришни тавсия этди. Уша тадбирларда таъкидланишича, ҳозир районда 14 та типовой болалар боғчаси қуриляпти. Йили охиригача ишга туширилади ган бу боғчалар 20990 болани ўз бағрига олади. Бундан ташқари 22 та мавжуд бинолар болалар боғчасига мослаштирилмоқда. Бу бинолар ҳам йил охиригача тайёр бўлади.

Шундай қилиб, 1980 йилнинг охирига бориб райондаги мактабгача ёшдаги болаларнинг 80 проценти доимий боғчаларга қатнай бошлайди. Бу — Андижон областида энг юқори кўрсаткичдир...

Кичкинтойлар тўғрисида қилинаётган ғамхўрлик далада ишлаётган ота-оналарнинг ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Улар пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш учун курашда фаол қатнашмоқдалар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ЙИГИРУВЧИЛАР АҲДИ

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатининг бир группа йигирувчилари ўз имкониятларини сарҳисоб қилиб, 1980 йилга мўлжалланган давлат топшириғини — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 63 йиллиги куни — 7 ноябргача бажаришга бел боғладилар. Улар орасида Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиби Маҳбуба Дадажонова, коммунистик меҳнат зарбдори Ҳанифа Болтабекова, нешқадам тўқимачилар — Надежда Ильина, Соня Аҳмадгалиева ва бошқалар бор. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири 1981 йил меҳнат календарини очдилар. Корхонанинг 550 нафар йигирувчи, 600 га яқин бўёқчи, пардозловчи ва слесарлари ҳам улар изидан бориб, КПСС XXVI съездини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олишга бел боғлашган.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони»ни штатсиз мухбири.

ОШИРИЛГАН МАЖБУРИЯТ

КПСС XXVI съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида «Далварзин» ремонт мотор-механика заводи ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари қўлиблик қилмоқдалар. Улар беш йиллик планларини барвақт адо этиб, 9 миллион 700 минг сўмлик маҳсулот релизация қилишди. Бу, пландагидан анча ортиқдир.

Заводда ҳозир 45 нафар ишчи беш йиллик планларини барвақт бажариб, 1982 йилнинг январь ойи ҳисобига меҳнат қилмоқда. Завод коллективи йил охирига қадар беш йиллик планга қўшимча 1 миллион 330 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга, партиямиз XXVI съездини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олишга сўз берган.

Т. УСМОНОВ.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Узколхозстрой» бирлашмасига қарашли «Узколхозспецстрой-2» республика трестининг Хонқа колхозлараро ихтисослашган кўчма колоннаси катта зафар кўчди. Бунёдкорлар беш йилликнинг ўтган даври мобайнида 5 миллион 300 минг сўмлик иш бажариб, ўнинчи беш йиллик топшириқларини барвақт адо этдилар.

Колонна коллективи имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, январдаги йил охирига яна 1 миллион 200 минг сўмлик иш бажариш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилди. Бу — колхоз қурувчиларининг КПСС XXVI съездига муносиб меҳнат совғаси бўлади.

А. ЗОКИРОВ.



Олмалиқ мис эритиш заводи коллективи яқинлашиб келаётган металлурглар байрамини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олмоқда. Корхона металлурглари якунловчи йилнинг 6,5 ойлик топшириқларини барвақт бажариб, съездолди вахтасини қизғин давом эттиришмоқда. Суратда: илғор металлург Ускенбой Ҳамроқулов.

В. Сироткин фотоси.

УЧИНЧИ СЕМЕСТР—МЕҲНАТ СЕМЕСТРИ

ҲАЁТ МАКТАБИ

Ҳар йили ёзги имтиҳонлар тугаши биланоқ олий ўқув юртлари студентларининг аксарияти учун яна бир синов — меҳнат семестри бошланади. Бу оловқалб йигит-қизлар учун изланиш ва яратувчилик, жасорат ва бунёдкорлик семестридир. Узбекистон студентлари ўтган йили эришган ютуқлар ва уларнинг бу йилги режалари ҳақида Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретари Ҳаким Ҳамидович ҲАМИДОВ «Совет Узбекистони» мухбирига қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.

— Ўқувчи ёшларнинг ватанпарварлик ҳаракати — студент қурилиш отрядлари мамлакатимизда бўлгани каби республикамиз студентлари учун ҳам ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий чиниқишнинг ажойиб мактаби бўлиб қолди. Зеро, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек: «Студентлар отрядларидаги иш мутахассислар тарбиялаб етиштириш яхлит жараёнининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқаришнинг тажрибали ва моҳир ташкилотчиларини тайёрлашга актив ёрдам беради. Шу боисдан ҳам ҳар бир студентнинг таълим вақтида меҳнат семестри мактабини ўтаб, ташкилотчилик ва тарбия иши юзасидан малака ҳосил қилиши муҳимдир».

Республика студент-қурилиш отряди ўн беш йиллиги нишонланган 1979 йилда ана шу ватанпарварлик ҳаракати тарихи мобайнида энг кўп — 30 мингдан ортиқ йигит-қиз сиёсий онглилик, уюшқоқлик ва ташаббус кўрсатиб, халқ хўжалигининг турли тармоқларида 55 миллион сўмлиқдан ортиқ капитал маблағни ўзлаштиришлар ва маҳсулот ишлаб чиқардилар. Отрядларимиз республика территориясидаги ўнинчи беш йилликнинг энг муҳим объектларини бунёд этиш ҳамда реконструкция қилишда зарбдорларча меҳнат қилдилар. Олий ўқув юртлари ҳамда техникумларнинг талабалари Ғарбий Сибирнинг нефть ва газ конларини ўзлаштиришда, РСФСР Ноқоратўпроқ зонасини ўзлаштиришнинг комплекс программасини амалга оширишда, Олтой ўлкаси ҳамда Чита областида, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда иштирок этиш билан қардошлик ва интернационализм байроғига содиқ эканликларини яна бир карра намойиш этдилар.

Узбекистон комсомолларининг халқаро алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Республикамизда таълим олаётган, шунингдек бир қанча социалистик мамлакатлардан келган чет эллик студентларнинг 400 кишилик отряди аъзолари Андижон сув омбори қурилишида, Тошкент шаҳридаги қатор қурилиш объектларида, Самарқанд ва Юсупов номли агробирлашманинг боғ ва полизларида ишладилар. Айни чоғда республикамиз вакиллари қардош социалистик мамлакатларда зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдилар.

Гагарин шаҳри қурилиши ва уни ободонлаштириш комсомоллар оталигида эканлиги кўпчиликка аён. Республикамиз вакиллари, жумладан Тошкент политехника институти студентлари суруғасига уч йилдан бери шу ерда меҳнат қилмоқдалар.

Бу йилги режалар янада катта. Республикамиздан ташқаридаги қурилишларга 6 минг киши, шу жумладан, Ноқоратўпроқ зонага икки ярим минг студент боражагини айтиш кифоя. Олий ҳиммат йигит-қизларнинг дастлабки отрядлари куни кеча зарбдор комсомол қурилишларига жўнаб кетишди. Бу йил ёз ойларда студентлар 410 та уй-жой, маданий-маиший объектлар ва корхоналар қурилишида иштирок этадилар. Улар жами 56 миллион сўмлик, бошқача қилиб айтганда ҳар бир бунёдкор студент ҳисобига 1800 сўмдан иш бажаришлари керак. Анъанага кўра барча қилинадиган ишлар тегишли трестлар, идора ва министрликлар билан олдиндан келишиб олинди. Жойларда шижоаткор ёшларни қабул қилиб олиш учун зарур шароитлар яратилган. Республика студент қурилиш отрядлари штаби уларнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилмоқда.

Афсуски, бу олижаноб ишда ҳам баъзан пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Чунончи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти студентлари дастлаб Янги Ангрен ГЭСига, сўнгра Тошкент ГРЭСи, кейин эса Чиноз районининг Олмазор посёлкаси ва ниҳоят Оржоникидзе районига бориб ишлаш учун хўжалик шартномаси тузмоқчи бўлишди. Буюртмалар асосида бўлгани билан бу ҳаракатлардан барибир бир иш чиқмади. Бунда студентларнинг мутлақо айби йўқ. Ўзлари учун бебаҳо куч бўлмиш студент қурилиш отрядлари келиб ишлашидан манфаатдор баъзи ташкилот ва муассасаларнинг боқибеғамлиги билан иш барбод бўлди. Жойлардаги айрим ташкилот ва муассасаларнинг бундай бепарволиги хайрли ишга бел боғлаган ёшларда ҳақли равишда эътироз уйғотди. Баъзи трест, идора ва министрликлар эса студентлар қурилиш отрядлари ишини ташкил этиш узил-кесил ҳал этилганидан сўнг бизга шунча киши юборсанглиз, деб республика штабига талабнома жўнатишди. Бошқача ҳоллар ҳам учрайди. Айтайлик, республика Қурилиш министрлигининг 7-трестига қарашли 290-кўчма механизациялашган колоннада на қилинадиган ишнинг тайини, на студентлар учун турар жой бўлмаса ҳам буюртма бераверишган. Натижада отряд бир жойдан иккинчи жойга кўчирилади, ҳам вақтдан, ҳам ишдан ютқазилади. Бундай мисоллар, афсуски, оз эмас.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу хил камчиликлардан қатъи назар студентлар қурилиш отрядларининг фаолият жабҳаси доимо кенгайиб бормоқда. Улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, транспорт, савдо-сотиқ, медицина ва маиший хизматни ривожлантиришда актив қатнашмоқдалар. Студент қурилиш отрядлари жангчиларини бугунги кунда Жиззах ва Қаршн чўлларидаги, Сирдарё ГРЭСи ва Андижон сув омбори бунёдкорлари, Бухоро ип-газлама комбинати ва Чирчиқ капролактам заводи янги қувватларини ишга туширувчилар, Маржонбулоқ кон-металлургия комплекси, Тошкент метрополитени ва Зомин спорт комплекси қурувчилари сафида учратиш мумкин. Чорвачилик комплекслари, дала шийпонлари қуриш, мактаб ва болалар боғчаларини ремонт қилиш, фан кабинетлари, лаборатория ва пионер хоналарини энг сўнгги талаблар даражасида жиҳозлашда ҳам институт ва техникум талабалари муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Кейинги пайтда ихтисослаштирилган студент қурилиш отрядлари анчагина бой тажриба тўплади. Бу хил отрядлар кўпинча студентларнинг бўлажак ихтисосига қараб ташкил этилмоқда. Жумладан, Тошкент алоқа электротехника институтининг шундай отряди бир неча йилдан бери Олтой ўлкасида иш олиб бораяпти. Шу ўринда олий ўқув юртларимиз билан қардош республикалар маълум ўлка ва областлари ўртасида алоқа йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлигини зўр мамнуният билан қайд этиб ўтиш мумкин. Айтайлик, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети студентлари қаторасига бир неча йилдан бери Тюмень, Тошкент политехника институтининг бўлажак инженерлари Новгород областларида, А. Навоий номли Самарқанд давлат университети йигит-қизлари Олтой ўлкасида, Улуғбек номли Фарғона давлат педагогика институти вакиллари Калинин областида, Самарқанд архитектура-қурилиш институти студентлари эса Байкал—Амур магистралининг Чита областидаги қурилишида меҳнат семестрини ўтказишлари анъана бўлиб қолди.

Республикамиз кўп минг кишилик студент қурилиш отряди аъзолари хоҳ зарбдор қурилиш майдонларида бўлсин, хоҳ ремонт ва бошқа ишларда, хоҳ мева ва полиз экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш ёки педагогик отрядларда бўлсин, ҳеч шубҳасиз, ажойиб меҳнат намуналари кўрсатиб, жонажон партиямизнинг XXVI съезди ҳамда Узбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб туҳфалар билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қиладилар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„КИМНИНГ ЭРКАСИ"

Газетамизнинг шу йил 18 май сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада ўғирлик ва фирибгарлик билан кун кечирган Р. Захарьянц, Й. Маҳкамов, Л. Малишев, Е. Каримов ва бошқаларнинг кирдикорлари фош этиб ташланган эди.

«Ажаб савдолар» рубрикаси остида босилган ушбу мақолага **НАМАНГАН ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ**дан шундай мазмунда жавоб олинди:

—«Совет Узбекистони»да босилган «Кимнинг эркаси» сарлавҳали мақолада баён этилган фактлар текширишда тасдиқланди ва жиноий иш қўзғатилди.

Р. Захарьянц, Й. Маҳкамов, Л. Малишев, Е. Каримов ва бошқалар (жами 23 киши) жиноий жавобгарликка тортилдилар. Улар турли вақтларда Наманган ва Андижон областлари территорияларида қорамолларни ўғирлаб, сотганлар.

Ҳозирги вақтда мазкур жиноий иш область суди томонидан кўриб чиқилмоқда.

ДАЛА ИШЛАРИГА СУРЪАТ ВА СИФАТ!

ДАЛАЛАРГА СИФАТ БЕЛГИСИ

Поп райони пахтакорлари якунловчи йилда она-Ватанга 60 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олишган. КПСС XXVI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган район пахтакорлари улкан мажбуриятни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Бунинг учун бутун куч, техника воситалари ишга сафарбар этилган.

Райондаги «Партия XXII съезди» колхози деҳқонлари КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980 йил) Пленуми қарорларига жавобан 1160 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 43,5 центнер ўрнига 50 центнердан хирмон кўтариш, яъни ҳосилни 5800 тоннага етказиш мажбуриятини олганлар. Улар шу юксак маррани эгаллаш йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда. Хўжаликларда ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси, техника воситалари ҳосил тўплаш, эртаги ва юқори сифатли пахта етиштириш учун сафарбар этилган.

Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари мутахассисларидан иборат сифат комиссияси хўжаликнинг юқори ҳосили, республикада хизмат кўрсатган пахтакор М. Фаёзов, Ленин орденли Р. Дадабоев, С. Хўжаназаров бошлиқ бригадаларнинг далаларида бўлиб, олиб борилаётган ишларга юқори баҳо бердилар. Бу бригадалар далалари «Сифат белгиси» беришга тавсия этилди. Беш қиррали тамға қўйилган пайкаллардаги ҳар туп ғўзада 4-5 та бўлиқ кўсак, 10-12 шона, 4-5 тадан гул пайдо бўлган. Ғўзаларнинг ривожи ғаъло даражада бўлиб қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан муҳофаза қилинаётир.

Колхозда кейинги кунларда сувчилар 100 кишидан 180 кишига кўпайтиришди. Уларнинг икки сменада ишлашлари учун қулай шароит яратиб берилган. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари, пахта заводлари ва тайёрлов пунктларини 1980 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисида»ги қарорига жавобан колхозда амалий тадбирлар белгиланди. Бу йил ялпи ҳосилнинг 90 процанти машиналарда терилиб олинади. Устахоналарда иш қизғин. Мавжуд терим техникасини тез ва соз ремонтдан чиқариш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Райондаги «Поп», «Коммунизм», «Тошкент», Ленин номли хўжаликларда ҳам мўл ҳосил тўплаш ойлиги қизғин давом этмоқда. Район меҳнаткашлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам юқори сифатли ва кўл-кўл пахта етиштириш учун сафарбар этилган.

Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари мутахассисларидан иборат сифат комиссияси хўжаликнинг юқори ҳосили, республикада хизмат кўрсатган пахтакор М. Фаёзов, Ленин номли хўжаликларда ҳам мўл ҳосил тўплаш ойлиги қизғин давом этмоқда. Район меҳнаткашлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам юқори сифатли ва кўл-кўл пахта етиштириш учун сафарбар этилган.

20 МИНГ ТОННАЛИК ХИРМОН УЧУН

Тошкент области. Бекобод районидаги шоличиликка ихтисослаштирилган «Октябрь 46 йиллиги» совхози деҳқонлари шу кунларда ғайрат билан меҳнат қилишмоқда. Сирдарё бўйларидаги 3300 гектар ерда деҳқончилик қилаётган хўжалик шоликорлари айни пайтда экинни озиқлантиришни давом эттиришяпти. Икки вертолёт ёрдамида кунига 50—55 гектар майдонга ўғит сепилмоқда.

Тажрибали шоликор Андрей Ли бошчилик қилаётган бригада аъзолари гектаридан 80—85 центнердан ҳосил кўтариш мақсадида ғайрат билан меҳнат қилишяпти. Шамил Собитов, Яков Юн, Такабой Қўнишев ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада аъзоларининг ҳам кўзлаган мақсадлари юксак.

Совхоз шоликорлари бу йил 20 минг тонна ҳосил етиштиришга ахд қилишган.

Т. УСМОНОВ.

МЎЛ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

Беруний районидаги Киров номли колхозининг Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, Октябрь Революцияси ордени кавалери, КПСС аъзоси Олланиёз Жўманиёзов ва Раймбой Султоновлар фидокорлик кўрсатишмоқда. Тажрибали сувчилардан Нўлдош Тангирбергенов, Машариф Маметов, Шариф Рейимов, Эшчон Сейтназаров, Худойберган Отажонов ва Тўхтабой Мамбетовлар эса ғўзани чилла сувига қондиришмоқда.

Ғўза қатор орасига ишлов беришда механизаторлардан «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери, КПСС аъзоси Олланиёз Жўманиёзов ва Раймбой Султоновлар фидокорлик кўрсатишмоқда. Тажрибали сувчилардан Нўлдош Тангирбергенов, Машариф Маметов, Шариф Рейимов, Эшчон Сейтназаров, Худойберган Отажонов ва Тўхтабой Мамбетовлар эса ғўзани чилла сувига қондиришмоқда.

М. МУХАНОВ.

ПАХТАЗОРЛАРДАН ДАРАКЛАР

ЗАДАРЁ. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Гигант» колхозининг деҳқонлари бу йил она-Ватанга 10 минг тонна пахта сотишга қарор қилишган. Шу юксак мақсад йўлида олиб борилаётган ўзаро социалистик мусобақада икки марта Ленин ордени кавалери, СССР Давлат мукофоти лауреати А. Турғунов ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Имомбердиев бошлиқ бригадалар зарбшунослари пешқадамлик қилишаётир. Илғор бригадаларнинг аъзолари гектаридан 50 центнердан пахта хирмони кўтаришга шайланишган.

К. АКБАРОВ.

БЕКОБОД. Ойбек номли совхоз деҳқонлари ғўза парваришини юксак агротехника қоидалари асосида олиб боришмоқда. Хўжалик азаматлари 2310 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан юқори сифатли пахта йиғиб-териб олишмоқчи. Деҳқон меҳрига қонган ғўзаларда ҳозиргадек 5—6 тадан кўсак ҳосил қилинган.

ҚУВА. «Ўзбекистон» колхози миришкорлари 745 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштиришмоқда. Бу ерда ғўза парвариши билан бир қаторда ғўза зараркунандаларига қарши кураш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Ҳашаротларга қирон келтиришда Қ. Нўлдошев, У. Султонқулов, Қ. Сайдалиев каби механизаторлар жонбозлик кўрсатишмоқда.

Хўжалик пахтакорлари бу йил гектаридан 35 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтаришга қарор қилишган.

Х. НУРИДДИНОВ.

Оламда нима гап

МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

КОПЕНГАГЕН, 17 июль. (ТАСС). БМТнинг хотин-қизлар ўн йиллиги муносабати билан чақирилган жаҳон конференциясида сўзга чиққан кишиларнинг нутқларида ижтимоий-сиёсий кучларни, шу жумладан турли мамлакатлардаги хотин-қизлар ташкилотларини халқаро кескинликнинг юмшатилишини сақлаб қолиш учун, термо-ядро уруши хавфининг олдини олиш учун курашга сафарбар қилиш зарур эканлиги таъкидлаб ўтилади.

Конференциянинг кўпгина қатнашчилари ўз нутқларини Жанубий Африка аҳолисининг фожиали аҳволига бағишлади. Улар миллионларча африкаликлар ваҳшиёна апартеид режими зулми остида қолганлитини таъкидладилар.

Кечаги эрталабки мажлисда Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Совет хотин-қизлари комитетининг раиси В. В. Николаева-Терешкова сўзга чиқди. У совет хотин-қизларининг аҳволи тўғрисида гапирди ва СССРнинг янги Конституцияси жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида хотин-қизларнинг чинакам ҳуқуқий тенглигини мустаҳкамлади ва ривожлантирди, деб уқтириб ўтди. Бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқий тенглиги эълон қилинибгина қолмай салмоқли гарантиялар билан ҳам мустаҳкамланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, деди у, жамият ва давлат граждан сифатида, меҳнат ҳараёнининг иштирокчиси ва она сифатида хотин-қизлар тўғрисида доим ғамхўрлик қилиши муҳим эканлигини неча марталаб таъкидлаган эди.

В. В. Николаева-Терешкова сўзининг охирида, Совет делегацияси БМТ Бош Ассамблеясининг XXXIV сессиясида хотин-қизларга нисбатан камситишнинг ҳамма формаларини тугатиш тўғрисида қабул қилинган конвенцияни имзолаш ваколатига эгадир, деди.

(ТАСС).

РЕСПУБЛИКАЧИЛАРНИНГ СЪЕЗДОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ

Республикачилар партиясининг Детройтда ўтаётган съезди тасдиқлаган съездолди платформасида партиянинг ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги асосий масалаларга доир программаси таъриф лаб берилган.

Мазкур ҳужжатда ҳозирги вақтда Қўшма Штатлар бошидан кечираётган оғир иқтисодий аҳвол ўз аксини топди. Республикачилар ана шу қийинчиликлар учун айбни демократларнинг ҳозирги маъмурияти зиммасига юкламоқдалар. Улар ташқи ва ҳарбий сиёсат масалаларида қуролланиш пойгасини яна ҳам кескин кучайтириш, сайловолди платформасида тўғридан-тўғри таъкидланганидек, «СССР устидан ҳарбий устунликка эришиш» мақсадини кўзлаб ҳарбий ҳаражатларни ошириш учун курашмоқдалар.

Республикачиларнинг сайловолди платформасида Совет — Америка СҚЧ-2 шартномаси рад этилади ва қуролларга устидан контроллик қилиш жараёнини бунга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган воқеалар билан («боғлашга») уриниб кўрилади. Республикачилар НАТОни «Ғарб иттифоқининг суянган тоғи» деб атаб ана шу агрессив блокни янада мустаҳкамлаш йўлини эълон қиладилар. Сайловолди платформасида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ички ишларига ҳаёсизларча аралашиш, уларга қарши қўпорувчилик ишларини кучайтириш муддаоси очиқ эълон қилинади. (ТАСС).

Польша Халқ Республикаси билан СССР ўртасида автомобилсозлик соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Польша корхоналари совет заводларига электротехника маҳсулотлари, амортизаторлар, тормоз асбоб-ускуналари етказиб бермоқда. Совет Иттифоқи эса Польшага юк ташиш машиналарини кўплаб экспорт қилмоқда. Суратда: Жешув транспорт марказига келтирилган КамАЗлар. Улар бу ердан Польшанинг турли бурчакларига жўнатилади.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

АФҒОНИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Кобулда маҳаллий ва чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда босмачилар қўлидан қутқарилган Афғонистон миллий терма чим хоккейи командасининг ўйинчилари сўзга чиқдилар. Улар Совет Иттифоқидаги чим хоккейи мусобақаларида қатнашиб, 24 апрелда қайтиб келаётган команда Кобул йўлида босмачилар ҳужумига қандай қилиб дуч келганлигини гапириб бердилар. Қаршилик кўрсатишга уринган спортчилар шу заҳоти отиб ташланган.

Босмачилар тирик қолганларни қийнаб, ҳақорат қилиб, АХДПга аъзоликларини бўйинларига олишларини талаб қилганлар. Спортчилар тунда посбонлар ухлагач, қочганлар ва уч кундан сўнг Кобулга етиб борганлар.

Бизнинг фикримизча, дейишди спортчилар, бизни ушлаб олган босмачилар Гулбиддин Ҳикматиёр тўдасидан бўлганлар. Г. Ҳикматиёр Пакистонда ўрнашиб олиб, Америка империализми ва регионал реакциянинг кўрсатмаларига биноан Афғонистон халқига қарши жиноятлар қилмоқда. Бизнинг командани ушлаб олиш Афғонистоннинг бошқа спортчиларини чўчитиш ва уларни Москвадаги Олимпиада ўйинларида қатнашишдан воз кечишга мажбур этишни мақсад қилиб қўйган.

Сўзга чиққан спортчилар «озодлик учун исломия кўрашчиларининг жиноятларини ғазаб билан қораладилар ва Афғонистоннинг спортчиларига мурожаат қилиб, империализм малайларининг дўқ-пўписолари ва найрангларига учмасликка даъват қилдилар.

Матбуот конференциясида Афғонистон Миллий олимпиада комитетининг баёноти ҳам ўқиб эшиттирилди. Баёнотда бундай дейилади:

АДРда афғон халқига озодлик ва мустақиллик келтирган Апрель инқилобининг ғалабаси халқаро реакция ва империализмнинг нафратини қўзғатди. АҚШ ҳомийлигида Хитой шовинизми ва Садат режими билан тил бириктирган халқаро реакция халқимизга қарши қабиҳ жиноятлар қилмоқда.

Афғонистон инқилобининг ғанимлари Афғонистонда инқилоб ғалабасини жаҳондаги барча тараққийпарвар кучлар мақтаётганини ёқтирмаяпти. Реакция ва империализм Афғонистон инқилобини, Афғонистон халқини ва унинг эски ва синашта дўсти — Совет Иттифоқини қоралаш пайдандирлар.

Афғонистон спортчилари ўз ўртоқларининг ўлдирилиши Картер маъмуриятининг Олимпиада ўйинларини бойкот этиш сиёсати билан баёсига боғланган, деб қатъият билан айтдилар. Улар бегуноҳ кишиларнинг тўкилган қони учун Картер ва унинг маъмурияти жавобгардир, дедилар. Империализм гумашталарининг ҳарчанд уринишлари ва жиноятлари Москвада Олимпиада ўйинлари ўтказилишига халқлар беролмаслиги ҳаммага мутлақо равшандир. (ТАСС).

«АҚШ—АСОСИЙ ДУШМАН»

Эрон президенти Банисадр идорасининг баёнотида даволатга қарши барбод бўлган фитнада қатнашишда айбланувчи шахсларнинг иши юзасидан суд яқин икки кун ичида бошланади, дейилади. Президент оятилло Ҳумайни билан учрашганидан сўнг шу гап айтилди.

Олий суд раиси оятилло Бихишти суд очиқ бўлади ва радио ҳамда телевидение орқали трансляция қилинади, деди. У айбланувчиларнинг баъзилари «шубҳасиз, ўлим жазосига ҳукм қилинади», деди. Бихишти фитна муносабати билан яна «жуда кўп киши» қамоққа олинади, деган гапни ҳам айтди.

Форс агентлигининг хабарига кўра, Эрон маъмурлари Эроннинг ердаги чегаралари, ҳаво ва денгиз чегараларини 48 соатга ёпиб қўйганлар. Зарурат туғилса, бу муҳлат узайтирилиши мумкин. Бу ерда айтишларича, мамлакатда фитначиларнинг қочиб кетишига йўл қўймаслик учун шу карор қабул қилинган.

Фитнани тугатиш штабининг бу ерда тарқатилган баёнотида Эрон халқига мурожаат этилиб, ҳушёр туриш ҳамда Америка империализми, Исроил ва Миснинг мадади билан тайёрланган фитна қатнашчиларининг чет элларга қочиб кетишига йўл қўймасликка ёрдам беришга даъват қилинади.

Эрон матбуоти ва жамоатчилиги Қўшма Штатларнинг Эрон халқига қарши тўхтамаётган кирдикорлари муносабати билан қаҳрли норозилик изҳор этмоқда. «Эттилоот» газетаси АҚШ Эрон инқилобининг асосий душмани эканлигини яна бир карра тасдиқлади. Инқилоб ғалаба қозониши билан Вашингтон Эрон халқининг ғалабаларини йўқ қилиш мақсадида сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий чоралар кўра бошлади, деб ёзади газета. (ТАСС).

АҚШДА ЖАЗИРАМА ИССИҚ

АҚШнинг жанубий ва жанубий-шарқий штатлари уч ҳафтадан кўпроқ вақтдан буён жазирама иссиқдан азоб чекмоқда. Тоқат қилиб бўлмайдиган бу жазирама иссиқ миллий офат тусини олди. Шу офат қурбонлари сони 700 кишига етди, бир қанча районларда фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Қурғоқчилик натижасида Америка фермерлари кўраётган зарар бир неча миллион долларга бориб қолди. Америка фермерлари СССРга дон экспорт қилишни тақиқлаб қўйган ҳозирги маъмуриятнинг қалтабин ҳаракатлари сабабли бусиз ҳам азоб чекмоқдалар. Офтоб яйловлардаги ўтларни қовжиратиб юборди. Фермерлар ёш моллари нобуд бўлишдан сақлаб қолиш учун уларни сотиб юбормоқдалар.

Бироқ, одамлар жазирама иссиқнинг асосий қурбонлари бўлмоқда. Штатлардаги маъмурларнинг қайта-қайта қилган талабларидан кейин президент Ж. Картер ниҳоят «даромади кам бўлган аҳоли категориялари»га федерал маблағ ажратиш тўғрисида фармойиш берди. Аммо матбуот фикрига кўра, бу маблағ жазирама иссиқдан азоб чекаётган, ёрдамга муҳтож кексаларга ва майда миллатларнинг намояндаларига самарали кўмак бериш учун мутлақо етарли эмас.

(ТАСС).

ПРОБЛЕМА ҲАЛ ЭТИЛМАЙ ҚОЛМОҚДА

КИПР ХАЛҚИ БИЛАН ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК ҲАФТАЛИГИ

Кипрда 15 июлни «қора кун» деб атайдилар. Греция ҳарбийлари олти йил муқаддам худди шу куни ички реакция кучлари ва Ғарбнинг махсус маҳкамалари билан тил бириктириб, республиканинг қонуний ҳукуматига қарши ирғоварлик мақсадида қуролли исён уюштирдилар. Шундан кейин турк қўшинлари оролнинг шимолий қисмига бостириб кирдилар. Бу орол сунъий равишда икки қисмга — Шимолий ва Жанубий қисмларга бўлиб юборилди.

Кипр халқи бошидан кечирган фожиа тўғрисида кўп ёзилган. Бу фожианинг оғир оқибатлари ҳозирги кунда ҳам сезилиб турибди. Кипр республикасининг мустақиллиги, бирлиги ва территориал бутунлиги хавф остида қолди. Унинг ерида чет эл қўшинлари ҳали ҳам бор. Кипрдаги икки жамоа—грек жамоаси билан турк жамоаси масалан, территориал ва конституцион масалалар каби муҳим масалаларда ўзаро келишиб иш кўрмаётир. Ҳукумат Кипрнинг шимолий қисмидаги уй-жойларини ташлаб келган 200 минг қочоқни (булар Республика аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил этади) турар жой билан таъминлаш ва ишга жойлаштириш учун кўп иш қилди. Аммо уларнинг кўпи мамлакатнинг жанубий қисмида ҳозирги пайтда ҳам чодир ёки баракларда яшаб, қашшоқликдан азоб чекмоқда.

Ҳозирги вақтда демократик партиялар ва ташкилотларнинг чақириғи билан мамлакатнинг ҳамма қисмида оммавий митинг ва намойишлар давом этяпти. Бу митинг ва намойишлардан кузатилган мақсад — 1974 йилдаги фашист исёнини яна бир бор қоралашдан ва 1974 йил июль воқеаларига мадад берган империалистик доираларнинг мамлакат ички ишларига аралашаётганлигига қарши қатъий норозилик билдиришдан иборат. Империалистик кучлар аввалдагидек ҳозирда ҳам ички реакцияга умид боғламоқдалар. Илгари актив ҳаракат қилган фитначилар ҳам ички реакцияга қўшилиб кетди.

Кейинги вақтларда ташкилий равишда ҳуруж қилишдан ҳам тортинмаган реакцион унсурларнинг активлашиб қолганлиги демократик жамоатчиликни ва Кипр ҳукуматини ғоят ташвишга солиб қўйди. Ички реакцияга зарба бериш — оролнинг икки қисмга бўлинишини мустаҳкамлашига, уни НАТОнинг ҳарбий базасига айлантиришга қарши, республикани қутқазиш учун олиб борилаётган курашнинг энг муҳим йўналишларидан бири деб ҳисобланади.

Аслида, чегара чизиғи бўриб қолган «яшил чизиқ» 1974 йил исёнининг энг оғир оқибатларидан биридир. Бу чизиқ шарқдан ғарбга томон 2u0 километрдан кўпроқ масофага чўзилиб кетган бўлиб, шусиз ҳам кичик бўлган мамлакатни икки қисмга бўлиб юборди. Бунинг натижасида одатдаги иқтисодий ва социал алоқаларга ва ниҳоят инсоний муносабатларга путур етказилди. «Яшил чизиқ» штаб карталаридагина кўзга ташланиши мумкин. Аслида эса бу чизиқ тақир бўм-бўш ерга кўпроқ ўхшаб кетади. У Кипрнинг пойтахти Никосияни ҳам икки қисмга ажратиб юборди. Шу чизиқ кесиб ўтган жойларда одамлар истиқомат қилмайдиган уй-жой кварталлари, ташлаб қўйилган корхоналар қолган. Ана шу чегара бўйлаб ҳарбий постлар, бир томонда турк ва иккинчи томонда грек постлари, улар ўртасида эса БМТ қўшинлари постлари жойлашган.

Кўп кузатувчилар таъкидлаб ўтганидек, Кипр проблемасини ҳал этишнинг пайсалга солинаётганлиги ва сунъий чегараларнинг сақлаб қолинаётганлиги оролда яшовчи иккита асосий этник группа ёки жамоаларни бир-биридан четлаштиришга сабаб бўлади ва уларнинг ўзаро музокаралар олиб боришини кун сайин қийинлаштиради. Ташқаридан авж олдирилаётган сепаратчилик тенденциялари ва оролнинг шимолий қисмида Кипр туркларининг «мустақил» давлатини вужудга келтириш йўлидаги уринишлар ҳам музокаралар олиб борилишига тўсқинлик қилмоқда.

Кипрдаги жамоалар ўртасида кўпдан буён сон-саноқсиз музокаралар олиб бориляпти. Лекин бу музокараларнинг биронтасида ҳам амалий натижаларга эришилмади. БМТ Бош секретари томонлар ўртасида музокараларни тиклашга интилиб, уларнинг вакиллари билан бир неча бор маслаҳатлашиб кўрди. Шу йил июнь ойнинг бошларида бу соҳада яна бир марта ҳаракат қилиб кўрилди. Икки томон ўртасидаги келишувга ва БМТ резолюцияларига мувофиқ жамоаларнинг музокараларини қайтадан бошлашга тайёр эканлигини бир неча марта таъкидлаб ўтган Кипр ҳукумати ўша вақтда К. Вальдхаймнинг музокараларни тиклаш юзасидан таклиф этган процедурасини қабул қилган эди. Лекин Турк—Кипр маъмуриятининг раҳбарлари бу процедурани рад этди.

Ҳамманинг фикрига кўра, оролда чет эл ҳарбий базалари ва ажнабий қўшинларнинг борлиги Кипр кризисини адолатли ва мустаҳкам равишда ҳал этишга ҳалақит бераётган асосий ғовдир. Ғарб Кипр проблемасини ҳал этишга актив аралашаётганлигининг боиси шуки, НАТО стратеглари Кипрни Ўрта денгизнинг шарқий қисмида ўзининг мустаҳкам қалъасига айлантириш учун интилмоқдалар. Ғарб мамлакатлари БМТ раҳбарлигида жамоалар ўртасида музокаралар олиб борилишини сўздагина ёқлаб чиқмоқдалар. Амалда эса улар Кипр проблемасининг адолатли ҳал этилишига тўсқинлик қилиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар, Шимолий Атлантика блоки манфаатларини кўзлаб, Кипр проблемасини ҳал этиш учун жон-жаҳдлари билан уринмоқдалар. НАТО раҳбар органларининг ҳар йили ўтказиладиган сессияларида Кипр масаласининг ўртага қўйилаётганлиги бежиз эмас.

НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг яқинда Анкарада ўтказилган сессияси ҳам бундан мустасно эмас. Матбуот хабарларига кўра, сессиянинг атроф теварагида Кипр масаласининг муҳокама қилинишига айни бир мақсадни кўзда тутди. Бу мақсад — Греция — Туркия ихтилофларини тезроқ бир ёқли қилишдан ва НАТОнинг шарқий-жанубий қанотини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Эрон қўлдан кетганидан кейин АҚШ Кипрдаги ҳарбий базаларга кўпроқ эътибор бера бошлади. НАТО мамлакатларининг кипрликлар фикри билан ҳисоблашмай, Кипр масаласини ҳар қанча қурбон бериб бўлса ҳам ҳал этиш йўлидаги уринишлари кучайди. Кипрнинг «Агон» газетаси НАТОнинг АҚШ сессиясидан кейин «Ғарб оролнинг икки қисмига бўлиб юборилишини чакки тадбир деб ҳисобламайди» деб ёзди. НАТО генераллари мамлакатни парчалаб юборишни ва мустақил Кипр давлатини туғатишни қўлдан буён орзу қилиб келмоқдалар. Шимолий Атлантика блоки Кипрнинг икки қисмга бўлинишини расмийлаштириш иложини тополмаётганлиги сабабли кризиснинг чўзилишидан кўпроқ фойдаланиб қолмоқчи бўлади. Бу кризис империализмга қарши курашдан кипрликларнинг эътиборини бир мунча четга тортади ва Кипрдаги инглиз базаларини «американкалаштириш»га ёрдам беради.

Аммо Кипр халқи НАТО ҳарбийлари дучор қилмоқчи бўлган қисматга тоқат қилиб туриш ниятида эмас, у ички реакцияга ва империалистларнинг ташқаридан аралашувига қарши курашни давом эттирмоқда. Кипрликлар бу курашда халқаро бирдамликка, аввало, Кипр Республикасининг бирлиги, территориал бутунлиги, суверенитети ва мустақиллигини сақлаб қолишни муттасил ёқлаб чиқаётган Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг бирдамлиги ҳамда мададига таянадилар. Жаҳон Тинчлик Кенгашининг қарорига мувофиқ 15 июлда Кипр билан халқаро бирдамлик ҳафталиги ўтказила бошланди. Бу ҳафталик Кипр халқининг адолатли кураши қўллаб-қувватланаётганлигини янада зўр куч билан намойиш қилади.

А. БОГОМАЗ,
(АСС муҳбири).

Никосия.

Ғоявий кураш майдонида

ФАКТЛАР УЙДИРМАЛАРГА ҚАРШИ

Антикоммунистик пропаганда СССРда миллатчилик оловини ёқишга умид боғлаб, бу умидни социализм шароитидаги миллий муносабатлар ва миллий сиёсатнинг чинакам характерини бузиб кўрсатиш йўлидаги ғоят актив уринишлари билан бирга уйғунлаштирмоқда. Бу ўринда давлатимиз миллий сиёсатини антикоммунистик сохталаштиришнинг энг кўп тарқалган усулларидан бири ҳақидагина тўхтамоқчимиз.

Аввало антикоммунистлар «руслаштириш», «рус мустамлакачилиги» тўғрисида ҳар хил афсоналар тарқатмоқдалар. Уларнинг мақсади аниқ, яъни СССР халқлари бирлигига путур етказиш ва КПССнинг бошқа мамлакатлар меҳнаткашларига таъсир кучини сусайтиришдан иборат.

Совет давлатининг миллий сиёсатига кўпдан-кўп туҳмат ва бўҳтонлар ёғдириш билан ном чиқарган Гарвард университетининг профессори Р. Пайпс, масалан, СССРда миллий муносабатлар соҳасида «портлаш вазияти» мавжуд, великорус «ассимиляторлик» тенденцияси ва маҳаллий миллатчилик кураши юз бермоқда деб исботламоқчи бўлади. Бунда у тўғридан-тўғри сохта гапларга ўтади. Унинг фикрича, РСФСР аҳолиси ўртасида руслар 1959—1970 йиллар ўртасида 2,3 процент камайган (яъни улар СССРнинг бошқа республикаларига кўчиб кетган) дейди. Ваҳолонки, бу рақам аслида 0,5 процентни ташкил этади. Бунинг устига, ана шу фактларга асосланиб, бошқа республикалардаги руслларнинг сони кўпайишини «руслаштириш» деб ҳисоблаш ҳам тамомила нотўғридир. Чунки, бу ҳол, аввало, мамлакатимиздаги энг йирик корхоналардаги малакали ишчиларнинг миграцияси — бир жойдан иккинчи жойга кўчиши (аксарият меҳнат шартномаларида кўрсатилган муддатлар билан белгиланган вақтинча кўчиш) билан изоҳланади.

Антикоммунистларнинг миллий республикаларимиз иқтисодий ривожланишини бузиб кўрсатишга, уларнинг ривожланиш даражаси баравар эканлигини инкор этишга уринишлари беҳудадир. Яна фактларнинг ўзига мурожаат қилайлик. Саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 1913 йилдан 1975 йилгача Белоруссияда 166 баравар, Қозоғистонда эса 286 баравар ўсди. Миллий республикалар ривожланишининг иқтисодий даражасини бараварлаштириш социализмнинг объектив қонунлари ҳам (халқ хўжалигининг планли мутаносиб ривожланиши, миллатларнинг ўзаро яқинлашуви, шаҳар билан қишлоқ, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги тафовутларнинг астасекин йўқолиб бориши), КПСС ва Совет давлатининг собитқадам сиёсати ҳам тақозо этади. КПСС ва совет давлатининг бундай сиёсат юргизишдан мақсади эса мамлакатимизда яшовчи барча миллатларнинг фаровонлиги ва уларнинг янада равнақ топиши тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Ҳозирги босқичда СССРда ҳукм сураётган миллий муносабатлар республикаларнинг халқ хўжалиги юксак суръатлар билан ривожланаётганлиги билан, уларнинг ривожланиш даражаси янада бараварлашиб бориши билан, ҳар бир республиканнинг умумиттифоқ экономикасига қўшаётган ҳиссаси тобора кўпайиб бораётганлиги билан характерлидир. Бунда, масалан 60 — 70 йиллар мобайнида 10 та иттифоқчи республикаларнинг миллий даромадининг ўсиш суръатлари умумиттифоқ ўртача даражасидан ошиб кетди. Жумладан, шу йиллар мобайнида миллий даромад Литва ССР ва Ўзбекистон ССРда 2,3 баравар, Қирғизистон ССРда 2,5 баравар, Белоруссия ССРда 2,59 баравар, Арманистон ССРда 2,7 баравар ўсди.

Антикоммунистларнинг маданият соҳасидаги «руслаштириш» тўғрисидаги уйдирмалари ҳам ҳар қандай танқиддан тубандир. Чунончи, америкалик социолог Э. Голдхаген бундай деб ёзади: «миллий озчиликни ташкил қилганларнинг аксарияти моддий соҳада эришган ютуқлар қанчалик катта бўлмасин, улар манъавий ва маданий чеклашлар ҳисобига эришилган...»

Фактлар бу уйдирмаларни ҳам рад этади. СССРда мактаблар миллий мактаблар сифатида ривожланиб, уларда ўқувчилар 52 тилда ўқитилмоқда. Масалан, Молдавия ССРни олайлик. Бу республика аҳолисида молдаванлар 70 йилларнинг бошига қадар 64,6 процентни ташкил этган мактабларнинг 65 процентида дарслар молдаван тилида олиб борилган. Туркманистонда аҳолининг 65,6 процента туркман бўлган, мактабларнинг 76 процентида эса дарслар туркман тилида олиб борилган, Қирғизистонда тўб аҳолининг 43,8 проценти қирғизлар бўлгани ҳолда, республикадаги барча мактабларнинг 52,2 процентида дарслар қирғиз тилида олиб борилмоқда. Бизда ҳар бир миллат ва ҳар бир элат ўз малакали кадрларига, ўз она тилидаги адабиётига эга. Миллий илмий кадрлар, адабиёт ва санъат арбоблари Советлар мамлакатининг муваффақиятлари ва ютуқларини тобора кўпайтирмоқда.

Антикоммунизм идеологлари «совет халқи» деган тушунчани ҳам бузиб кўрсатишга уринмоқдалар. ҒФРлик советолог М. Мейснер, масалан: «совет халқи деган тезис остида... ғоявий асослаш яширинган бўлиб... унинг ассимиляциялаштириш сиёсати рус бўлмаган халқларни ёппасига руслаштиришга қаратилган...». Мейснернинг даъвосига кўра, КПССнинг мақсади кўп миллатли совет халқини ягона совет миллатига айлантиришдан иборат эмиш.

Аслида эса совет халқи — мутлақо миллат эмас, балки кўп миллатли, ўз моҳиятига кўра интернационал социал-тарихий бирликдир. Бу эса — идеологияси, тарихий тақдири, социал-иқтисодий турмуш шароити, туб манфаатлари ва мақсадлари, совет социалистик маданиятининг муштараклиги асосида яхлит бўлиб бирлашган турли миллатларга мансуб кишиларнинг бирлигидир. Совет халқига мансублик миллатларнинг ривожланишига халақит бермайдигина эмас, шу билан бирга уларнинг равнақ топишини ҳам таъминлайди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлари билан айтганда, бизнинг мамлакатимизда миллий тафовутларнинг йўқ бўлиши ёки миллатларнинг бир-бири билан қўшилиб кетиши назарда тутилмайди. Совет Иттифоқида яшовчи барча миллатлар ва элатлар ўз хусусиятларини, миллий характер белгиларини, тилларини, ўзларининг энг яхши анъаналарини сақлаб қоладилар.

Елена МОДРЖИНСКАЯ,
фалсафа фанлари доктори, профессор. (АПН).



ТАШНАЛИКНИНГ ДАВОСИ

Ёз чилласида сувнинг қадри яхши билинади. Ташна бўлган йўловчига бир пиёла яхна чой ёки совуқ сув тутсангиз, унга олам дунёни бағишлагандек бўласиз. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо бош бошқармаси ёзнинг жазирама иссиқ кунларида кишиларнинг сувга бўлган эҳтиёжи ортишини ҳисобга олиб, яхна ичимликлар билан савдо қилишни кенгайтириш чораларини кўрмоқда.

—Биз аҳолини совуқ сув билан таъминлашнинг ҳамма чора-тадбирларини кўряпмиз, — дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ўртоқ Ҳусанов. — Айниқса сув сотувчи автоматларнинг ишини яхшилаш диққат-эътиборимизда турибди. Ҳозир Тошкент шаҳрининг кишилар гавжум бўладиган ҳамма жойларида сув сотувчи автоматлар ўрнатилган. Уларнинг нормал ишлаши таъминланмоқда.

Бундан ташқари аҳолига морс, квас каби ичимликлар кўплаб сотиляпти. Ҳозир 41 та ўрнига Тошкент шаҳрида 100 дан ортиқ цистернада морс сотиляпти. Бундан ташқари районларнинг умумий овқатланиш идоралари ҳам яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланмоқда. Ошхоналар ва кафеларда компот тайёрлаб сотиш кенг йўлга қўйилди.

«Ташкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам аҳолига кўплаб пиво, лимонад каби ичимликларни етказиб берянти. Озиқ-овқат магазинларида минерал сувлар савдосида узилиш бўлмаслиги учун ҳамма чоралар кўриляпти.

1979 йилнинг ёз ойларида ҳар куни 13 тоннагача мороженое билан савдо қилинган бўлса, ҳозир эса кунига 20 тоннага етказиб маҳсулот сотиляпти. Лекин аҳолининг мороженоега бўлган талаби тўла қондириляпти деб бўлмайди. Тошкент холодильник комбинати раҳбарлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва унинг ассортиментини кенгайтириш учун шошилинч чоралар кўришлари керак.

Суратларда: ёзнинг иссиқ кунларида.

А. Тўраев фотолари.

ҚАРДОШЛИК МЕРИДИАНЛАРИДА

АФҒОН ШЕЪРИЯТИДАН

Афғонистон Демократик жумҳуриятидаги революцион шоирлардан бири Сулаймон Лоиқдир. У 1927 йилда Афғонистоннинг Баглон вилоятидаги Пули — Хумри шаҳрида дунёга келган. У асосан икки тилда: пашту ва дарий (форсий) тилларида шеърлар ёзади. Лоиқнинг шеърларида қаҳрамон ва инқилобий афғон халқининг ҳақиқий ҳаёти. Апрель инқилобини ҳимоя қилиш йўлидаги мардона курашлари, афғон—совет дўстлиги, биродарлик ва тинчлик каби энг муҳим мавзулар акс эттирилади.

Шу пайтгача Сулаймон Лоиқнинг «Чунгор», «Кечдей», «Ёдуна ав дармандуна» шеърий тўпламлари чоп этилган. Тожикистон ССР пойтахти Душанба шаҳрида Лоиқнинг «Ду оҳили як дарё» деган дарий тилидаги шеърларидан иборат мажмуаси босилмоқда. Сулаймон Лоиқ Афғонистон Халқ Демократик партияси таъсис этилган 1965 йилдан буён АХДП аъзосидир. Ҳозир у Афғонистон Демократик жумҳурияти Инқилобий Шўроси аъзоси ва Афғонистон Фанлар академиясининг президентидир.

Қуйида биз Сулаймон Лоиқнинг шеърларидан айрим намуналар эълон қилмоқдамиз.

СУЛАЙМОН ЛОИҚ.

ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

(ОҚ ШЕЪРЛАР)

Бу Ватан азиз ва лазиз ватан,
Бу—афғонларнинг буюк Ватани.
Бу Ватан бизга ғоятда ардоқли ва қадрли,
Бу—ғайрат ва шижоат тупроғи.
Бу ерда зилзилалар бор, тўфонлар бор
Тоғларда қочинлар парвоз этади.
Маст дарёларда шўхлик ва жўшқинлик бор,
Азим тоғларда сабр-тоқат ва вазминлик бор,
Одамларнинг қалблари меҳр-муҳаббатга тўла
Ҳар афғон қалбига инқилобий руҳ келди.
Афғонлар қалбига олов, тўфонлар келди,
Бу тупроқда қаҳрамонлар яшайди.
Ҳаволарида қудратли шамоллари бор.
Баҳор фаслида пирқудрат чақмоқлари бор.
Бу ўлканинг ажойиб ҳаёти бор,
Ўтмиши, ҳозири, порлоқ келажаги бор.
Бу муқаддас тупроқнинг ҳар бир қаричи
Ҳар афғон учун мисли Каъбадир.
Ватанни обод ва озод сақловчи ажойиб
Жонбоз ва қаҳрамон ёшлари бор.

ЭЙ, ЯНГИ АСР ШАМОЛИ

Эй, янги аср шамоли!
Тезроқ, тезроқ эсабер!
Эй, янги ҳаёт қуёши
Тезроқ, тезроқ чиқабер!
Бу қақраган шўрҳок ерларда
Тоза, ранг-баранг гуллар етишсин.
Бу баланд қуруқ тоғларда
Лочин уйғонсин, парвоз этишсин.
Тезроқ кўтарил, тезроқ жадалла,
Эй, янги аср шамоли!
Тезроқ, тезроқ эсабер!
Бу муқаддас тупроқнинг ҳар бир қаричи,
Ҳам фирдавсдир, ҳам жаннатдир.
Ҳар бир даратти, ҳар бир тоғи,
Ҳам давлатдир, ҳам қувватдир.
Шунча ухлагининг бас, тур ўрнингдан
Эй, янги аср шамоли!
Тезроқ, тезроқ эсабер.
Эй ишчилар, эй деҳқонлар
Шодлик қўшиғини куйланг!
Бирлашинглар эй лочинлар, эй арслонлар!
Менга дўстона, биродарсан!
Эй, янги аср шамоли,
Тезроқ, тезроқ эсабер!
Эй, янги ҳаёт қуёши,
Тезроқ, тезроқ чиқабер!

МАЯКОВСКИЙ

Шўролар пойтахти Москванинг Горький кўчасида
Маяковский тоғ каби мағрур турибди.
Бутун совет халқлари унга қалбан қулоқ солмоқда,
Азамат ва шоирлар Москва ҳам уни ўз қучоғига олган.
У ўз мақсадига шунчалик диққат билан тикилганки,
Уни гўё ўлжасига назар ташлаган қудратли лочин, деб ўйлайсан.
У шунчалик вазмин, шунчалик маҳомат билан ўз ўрнида турибдики,
Гўё Хушҳол Ҳатак ! Ҳайбарни ишғол қилмоқчи бўлгандек.
Йиллар ва асрлар ўтгани сайин Маяковский яна улуғ бўлиб боради,
Замонлар ўтиши унга ҳеч қандай таъсир ўтказа олмайди.
У ўз ҳаракати, шеърияти 'билан фалакни асир олгандек,
Гўёки, у шу туришда тақдир билан мардона олишган.
Менинг ҳаёлим шу пайтгача ҳеч ким олдида пасаймаган
Лекин Маяковский олдида мен мағрур бошимни эгаман.
Чунки Маяковский бутун дунё халқларини тинчликка даъват этди,
Бутун башариятни у дўст ва биродар бўлишга, ақил бўлишга чақирди.
Чиндан ҳам, эй улуғ инсон, эй улуғ шоир Маяковский,
Сени бундан буён бутун дунё шоирлари дилдан эъзозлайди.
Сенинг қудратли шеърларинг, қўшиқларинг ва санъатинг,
Ҳаёт бор экан, сенинг пайғомингни дунё халқларига етказади.
Мен бўлсам, эўр шодкёналик билан дилдан айтаманки:
«Маяковский тоғ каби мағрур турибди! Тураверади!»

ВАТАН ЎҒЛОНИ

Ғам қанча катта бўлса ҳам, катталикда қалбимга тенглаша олмайди.
Оловли шеърларимда эзгу, орзу-армонлар ўз ифодасини топади.
Лоиқ азиз ва севимли ватаннинг ҳақиқий ўғлонидир.
Шунинг учун ҳам у ҳеч қандай золимга бўйин эгмайди!

БИРЛАШИНГ

Озодлик ва ободлик учун курашда,
Эй азиз ёшлар, бирлашмоқ керак, бирлашмоқ!
Тарқоқлик, нифоқ душманга қуролдир,
Бирлашинг, бирлашинг! Ватан бўлмасин барбод!

1613-1698 йилларда яшаб ижод қилган забардаст афғон шоири.

СПОРТ БАЙРАМИ АРАФАСИДА

МОСКВА. [«Совет Ўзбекистони» махсус мухбиридан телефон орқали]. «Москва XXII ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказишга тахт қилиб қўйилди. Биз, беш ярим йил бурун, Халқаро олимпиада комитетининг Венада ўтказилган 75-сессиясида, агар Олимпиада-80 мусобақаларини Совет Иттифоқи пойтахтида ўтказишдек бахтли ҳуқуқка эга бўлганимизда уни ташкилий ва тадбирий, техник ва спорт жиҳатдан ХОК қоидалари ва Олимпиада хартияси қоидаларига муваффиқ келадиган юқори савиялада бўлишини таъминлаган бўлардик, деб ахборот берган эдик. Бугунги кунда барча совет халқи ва Совет ҳукумати кўрсатаётган улкан ёрдам, юзлаб коллективлар, минг-минглаб кишиларнинг зўр меҳнатлари самараси туфайли сўзимизнинг устидан чиқдик, Москва Олимпиада ўйинларини ўтказишга тайёр деб, асосли равишда баралла айта оламиз».

Москва шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. Промислов таъкидлаганидек, Ватанимиз пойтахти халқаро спорт байрами тантаналарига ҳозир қилиб қўйилган. Москва таниб бўлмас даражада гўзаллашиб, ёшариб кетган. Пойтахтда Олимпиада нафаси сезилиб турибди. Осмонўпар бинолар каторида Олимпиада объектлари ҳам шаҳарга кўркамлик бахш этган. Шаҳарнинг жануби-ғарбий томонида бир неча йил бурун кўримсизгина бўлган жойда Олимпиада қишлоғи қад ростлаган. Бу ер саноат корхоналари, сершовқин катта йўлдан чеккароқда бўлиб, спортчилар, меҳмонлар, туристлар учун барча қулайликлар яратилган.

Олимпиада хартиясига мувофиқ бу ерни қишлоқча деб юритилди. Аслида эса шаҳарча деса арзиғуликдир. Турна қатор қилиб қурилган кўп қаватли бинолар, кенг, равон кўчалар, дам олиш, спорт мусобақалари ва машғулотлар ўтказиш учун барча имкониятларга эга бўлган бу шаҳарчада истиқомат қилган кишининг хотирасида унутилмас таассуротлар қолиши табиий. Уйлар 2—3 хонали бўлиб, ҳар бири иккитадан кишига мўлжалланган. Шундай қилиб икки хонали квартирада тўртта спортчи яшаши мумкин. Хоналар эса шинам ва файзли қилиб безатилган. Олимпиада қишлоқчасида жами 4000 ўринли ресторан, кафе ва буфетлар мавжуд. Магазинлар, маиший хизмат объектлари спортчиларнинг юмушини осон қилишга тахт бўлиб турибди. Қишлоқчанинг маданият марказида катта концерт зали бунёд этилган. Бу ерда бир йўла 1200 нафар томошабин концерт кўриб дам олиши мумкин.

В. М. Ломоносов номли Москва давлат университети жойлашган Ленин Горкасидан спорт мусобақалари ўтказиладиган асосий масканлар кўзга ташланади. Москва дарёси соҳилида В. И. Ленин номли Марказий стадион кўриниб турибди. Бу ерда Олимпиаданинг очилиш тантанаси ва ёпилиш маросимлари бўлади. 103 минг мухлисни бағрига оладиган бу стадионда енгил атлетика мусобақалари, футбол турнирининг ярим финал ва финал учрашувлари ўтказилади. Марказий стадионда Олимпиаданинг тантанали очилиш маросимига катта ҳозирлик кўриляпти. СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати И. Туманов раҳбарлигидаги бир группа ижодкорлар томонидан яратилган сценарий бўйича тантаналарни байрамона ва кўтаринки руҳда ўтиши мўлжалланган.

Дарё бўйидаги спорт майдонида гимнастика ва дзю-до машқлари ўтказилади. Беллашувларни 13 мингдан ортиқ томошабин кўриши учун имконият бор. Шу ерда жойлашган сузиш бассейнининг кўринишн ҳам таҳсинга лойиқ. Бу спорт объекти биноси Халқаро Олимпиада Комитети талабига жавоб беради. Сузувчилар 33x25 метрли бассейн ҳамда мусобақалар ўтказиладиган 50x21 метрли бассейнда куч синашадилар. Сувнинг ҳарорати мўътадил бўлади. Сув бассейнга яқин жойлашган. Кичик спорт аренаси эса волейболчилар учун мўлжалланган. Бетон ва ойнадан тиклачган бу бинода 8,5 минг мухлис мусобақаларни кўришади. «Дўстлик» спорт зали эса ўзига хос кўринишга эга. Бу ерда ҳам волейбол мусобақалари ўтказилади. Томоша залини кенгайтириш имкони бор. Бу ерга 1500 дан 4000 га қадар томошабин кириши мумкин.

Оғир атлетикачилар баҳси ҳам ҳар вақт қизғин чиқишларга бой бўлади. Мусобақалар «Измайлово» спорт саройида ўтказилади. Юзлаб килограмм тошни кўтарадиган полвонлар мусобақасини 5000 дан ортиқ мухлис томоша қила олади.

Кўл тўпи усталари «Сокольники» спорт саройига ташриф буюради. Бу ерда уларни 7000 дан ортиқ томошабин олқишлаб туради. Қайиқ ҳайдовчилар, камон отувчилар, велосипедчилар шаҳар чеккасида жойлашган ажойиб спорт кошонасида куч синашадилар.

Марказий армия клуби спорт комплексларида ҳам Олимпиада мусобақалари ўтказиш кўзда тутилган. Чунончи, Марказий армия спорт клубининг универсал спорт залида баскетболчилар куч синашадилар. Буни 5000 га яқин томошабин келиб кўриши мумкин. Бу бинога туташ жойлашган манежда полвонлар ҳамда қиличбозлар баҳс юритадилар. Эркин ва классик кураш усталари ҳамда қиличбозлар учун иккита алоҳида зал ажратилган. Ҳар иккн залда 6000 тадан томошабин баҳра олади. Чавандозлар эса шаҳар чеккасидаги отчопарда Олимпиада чемпионлиги учун курашадилар.

Москвадаги янги спорт кошоналаридан бири «Олимпийск» деб юритилади. Бу—усти берк стадиондир. Спорт комплекси шаҳардаги усти берк майдонларнинг энг каттаси ҳисобланади. Ҳозирча Рио-де-Жанейрода 35 минг томошабинга мўлжалланган ана шундай стадион мавжуд. Москвада бунёд этилган стадион эса 45 минг ўринлидир. Спорт кошонасининг қурилиши шундайки, бу ерда бир вақтнинг ўзида баскетбол ва бокс мусобақаларини ўтказиш мумкин. 120x86 метрли майдон керак бўлса яхлит ҳолга келтирилади. Бунинг узунлиги 152 метрли улкан девор сўёрларда тортилгандай зални иккига ажратади. Қарабсизки, бокс мусобақалари ўтказиш учун 18 минг ўринли, баскетболчилар баҳслари ўтказиладиган 16 минг ўринли алоҳида заллар вужудга келади. Бу ерда аёзли кунларда яхлит майдон бўлиб футбол учрашувлари ҳам ўтказиш мумкин.

—Баскетбол мусобақалари Москвада юқори савияларда ўтказилишига имоним комил, дейди баскетбол спорти бўйича халқаро федерация раиси филиппинлик Р. Туюит,—мен «Олимпийск» усти берк стадионини бориб кўрдим. Бу ерни совет меъморларининг ижодига хос тенги йўқ ажойиб бинодан бири, дейиш мумкин.

Шу ернинг ўзида усти берк стадионга туташ сузиш бассейни биноси қад ростлаб турибди. Бу ерда сузиш, сувга сакраш мусобақалари алоҳида залда ўтказилади. Сузиш мусобақаларини 7,5 минг томошабин кўра олса, сувга сакровчилар маҳоратини 4,5 минг мухлис кузатиб туради. Ва, ниҳоят, Олимпиада спорт турларининг қизиқарлиларидан ҳисобланган мерганлар баҳси «Динамо» майдонида ўтказилади.

Москванинг Зубовский ҳиёбонида Олимпиаданинг бош матбуот маркази жойлашган. Шу кунларда жаҳонннг турли бурчагидан ташриф буюрган журналистлар Олимпиада ҳақидаги дастлабки маълумотларни ўрганмоқдалар. Матбуот марказидан маълумотларни олишда энг замонавий техника ёрдамга келади. Биз ҳам автоматлаштирилган бошқарув системасига сазоллер билан мурожаат қилдик.

АБС экранида пайдо бўлган дастлабки ёзувдан қуйидагиларни ўқиш мумкин эди: «Мамлакат—СССР, рўйхатидаги номери, исми-фамилияси —Рўзиев Собиржон, спорт тури—қиличбозлик, туғилган вақти 15.06.53. Қўшимча маълумотлар—халқаро мусобакалар совриндори, жаҳон чемпиони, «СССР чемпионати-80» ғолиби».

Шундан кейин республикамиздан Олимпиада мусобакаларида иштирок этувчи бошқа спортчилар ҳақида ҳам маълумотлар олдик. Маълум бўлишича, СССР терма командасига аъзо бўлиб, Олимпиада либосини кийишга мушарраф бўлганлар орасида «Автомобилист» командасининг аъзоси, волейболчи Лариса Павлова, мерган Рустам Ямбулатовлар ҳам бор экан. Шунингдек, енгил атлетикачилардан Александр Харлов, Анатолий Димов, Татьяна Бирюлина, камончи Наталья Бутузова, велосипедчи Александр Панфилов, чавандоз Юрий Ковшов ҳамда чим хоккей бўйича «Андижанка» командасининг тўрт вакили — Неля Горбаткова, Валентина Заздравних, Алина Хам, Лайло Аҳмерова ва бошқа вакилларимиз Олимпиада баҳсларида совет спорти шарафини ҳимоя қиладилар.

Хуллас, Ватанимиз пойтахтида Олимпиада мусобақаларининг кўтаринки руҳда ўтиши учун барча шароитлар бор. Мусобақалар эса қизғин спорт курашларига бой бўлиши кутиляпти.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

1980-81 ўқув йили учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кундузги факультетларга: автоматика, телемеханика ва темир йўл транспортида алоқа; бухгалтерия ҳисоби; вагонсозлик ва вагон хўжалиги (вагонсозлик ва вагон хўжалиги ҳамда рефрижераторли ҳаракатдаги состав ихтисосликлари билан биргаликда), сув таъминоти ва канализация, саноат ва граждан қурилиши; темир йўл қурилиши, йўл ва йўл хўжалиги; тепловозлар ва тепловоз хўжалиги, темир йўлларни эксплуатация қилиш.

Аризалар 31 июлгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари — 1 августдан 20 августгача. Студентликка қабул қилиш 21 августдан 25 августгача ўтказилади.

Институт кундузги факультетларининг ҳамма студентлари мамлакатимиз темир йўли бўйлаб бир марта сайёҳат қилиш учун текин билет ҳамда текин формали кийим-бош олиш ҳуқуқига эга.

Кечки факультетларга: автоматика, телемеханика ва темир йўл транспортида алоқа; бухгалтерия ҳисоби; вагонсозлик ва вагон хўжалиги; тепловозлар ва тепловоз хўжалиги; саноат ва граждан қурилиши; саноат иссиқлик энергетикаси; темир йўл қурилиши; йўл ва йўл хўжалиги; темир йўлларни эксплуатация қилиш.

Аризалар 31 августгача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари — 11 августдан 10 сентябргача (потоклар бўйича ўтка-) зилади. Студентликка қабул қилиш 21 августдан 20 сентябргача ўтказилади.

Кундузги ва кечки факультетларнинг 1 ва 2 курсларида машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Институтга кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар: МАТЕМАТИКА (ёзма ва оғзаки), ФИЗИКА (оғзаки), ЎЗБЕК ЕКИ РУС ТИЛИ АДАБИЁТИ (ёзма), **фақат бухгалтерия ҳисоби ихтисослигига кирувчилар:** МАТЕМАТИКАДАН (оғзаки), СССР ТАРИХИ (оғзаки), ГЕОГРАФИЯ (оғзаки), ЎЗБЕК ЕКИ РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ (ёзма)**дан имтиҳон топширадилар.**

Техникумларни, ўрта ҳунар-техника билим юртларини аъло баҳоларда, ўрта мактабларни медаль билан битирганлар, жуда танқис мутахассисликка кирувчилардан ташқари кириш имтиҳонларидан фақат математикадан (ёзма) имтиҳон топширадилар. Бухгалтерия ҳисоби ихтисослигига кирувчилар математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар. Беш баҳо олганлар қолган имтиҳонлардан озод қилинадилар.

Ўрта мактабни олтин медаль, ўрта махсус ҳамда ўрта ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли дипломлар билан тамомлаганлар олий ўқув юртидаги ўз ихтисосликларига яқин бўлган ихтисосликка кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар, ўрта маълумот тўғрисидаги ўжжатида ўртача бали 4,5 дан кам бўлмаганлар иккита имтиҳон натижасига қараб — математика (ёзма) ва физика (оғзаки) — 8 балладан кам бўлмаган (уч баҳосиз) баҳо олганлари тақдирда ўқишга қабул қилинадилар.

Ўқишга кирувчилар институт ректори номига танлаган ихтисосликларини кўрсатиб ариза топширадилар.

Адрес: 700045, Тошкент шаҳри, Оборонная кўчаси, 1-уй (9, 25, 66, 39, 61-автобуслар, 2, 10-трамвайларнинг «Транспорт институти» бекати). Телефонлар: институт ректори: 91-14-40, 40-70. Институт қабул комиссияси: 99-05-91, 32-25.

Ўзбекистон ССР Геология министрлигининг ўрта осиё геология ва менерал хом ашё илмий-тадқиқот институти (САИГИМС) вакант вазифаларига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кон-қидирув ишлари технологияси ва механизацияси бўлими бўйича: кон-қидирув ишларини электрлаштириш ва механизациялаш сектори мудири, кон ишлаб чиқаришини мустаҳкамлаш лабораторияси мудири.

Қудуқларни бурғилаш технологияси ва техникаси бўлими бўйича: қатламларни қазиш асбоблари ва бурғилаш технологияси сектори мудири, разведка қилиш учун қазилган қудуқларни синаб кўриш техникаси ва технологияси сектори мудири.

Фойдали қазилмалар геологияси бўлими бўйича: норуда фойдали қазилмалар сектори мудири, электрон микроскопия ва руда хосил қилувчи қоришмалар лабораторияси мудири, катта ва кичик илмий ходимлар (3 ўрин).

Ноёб металлар бўлими бўйича: бўлим мудири, ноёб металларни прогнозлаштириш ва конларни излаш методикаси сектори мудири чўмма рудали формациялар лабораториясининг мудири ва углерод-рудали формациялар лабораториясининг мудири, сингенетик-эпигенетик руда ташкил қилиш сектори катта илмий ходими, кичик илмий ходими.

Геология-қидирув ишлари экономикаси бўлими бўйича: кичик илмий ходим.

Геология-қидирув ишлари методикаси бўлими бўйича: катта ва кичик илмий ходим.

Конларни бойитиш ва физик-химик технология бўлими бўйича: кичик илмий ходимлар (7).

Бўлинма раҳбарлари ва катта илмий ходимлар вакант вазифаларига ҳужжатлар биринчи навбатда фан докторлари, кандидатларидан, кичик илмий ходимлар вазифасига эса фан кандидатларидан ва юқори малакали ишлаб чиқариш мутахассисларидан қабул қилинади.

КОНКУРС МУДДАТИ—26 ИЮЛГАЧА.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700061, Тошкент шаҳри, ГСП, Т. Шевченко кўчаси, 15-уй, илмий секретарь. Телефон 56-47-18.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

22, 23, 24, 25, 26, 27 июль соат 19.00 да

ТУРКМАНИСТОН ССРда ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ

Бобомурод ҲАМДАМОВ

раҳбарлигида ва иштирокида

К. ОТАНИЕЗОВ НОМЛИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

АШУЛА ВА РАҚС АНСАМБЛИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

Билетлар сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг ЎЛКА МЕДИЦИНА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ лабораториялар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қанд диабети, шарқ медицинаси;

катта илмий ходимлар: болалар эндокринопатияси, гормонал тадқиқотлаш;

кичик илмий ходимлар: патофизиология, гормонал тадқиқотлаш, экспериментал фармакотерапия (2 ўрин), болалар эндокринопатияси.

Конкурс муддати — 5 августгача.

Мурожаат учун адрес: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький проспекти, 56-уй.

«Партия турмуши» — «Партийная жизнь» журнали редакцияси коллективи редакция ходими С. Нишонбоевга онаси Тожиниса ҲУШНАЗАРОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40—Гимнастика. 10.05 — Сайроқи қуш қимматига қўнди? Бадиий фильм. 11.35 — Дунё воқеалари. 12.35 — Ҳужжатли фильм. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Москва ва москваликлар. 16.40 — РСФСР бадиий коллективларининг концерти 17.55 — Архитекторлар Олимпиада-80-га. 18.40 — Дунё воқеалари. 18.55 — Москвада Олимпиада олловининг кутиб олинишига бағишланган митинг олиб кўрсатилади. 20.15 — Музикали фильм. 21.30 — Время. 22.05—Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 23.35 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 —Болалар учун фильм-концерт. 12.00 — Пионер лагеридаги гаройиб воқеалар. 12.30 — Шеърият мухлисларига. 12.40 — Ким бўлсам экан? 13.10—Сен бизникига кел, кел. Бадиий фильм. 14.25 — Ў. Усмонов. Гирдоб. Видеофильм. 3-қисм. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Ўсмир ва қонун. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ҳужжатли фильм. 19.55 — Янги номлар. 20.30—Ахборот. 20.50 —Фарғона филармонияси солисти Қ. Юсупов концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Оламда нима гап? 22.35 — Ў. Усмонов. Гирдоб. Видеофильм. 4-қисм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25—Абитуриент-80. 21.00 — Химия. 22.00 — Бизнинг бош мухбиримиздан 22.30 — Олмос. Кўрик-кўрсатув.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 9.30 — Ўзбек Давлат филармонияси солистлари куйлайди. 12.10— Илҳомбахш меҳнатимиз — КПСС XXVI съездига. 13.00 — Жиззах асаларичилик хўжалигида. 13.30 — Пўл бошида. 14.00 — Мўл ҳосил учун курашда ҳал қилувчи ой. 18.15 — Партия ривожланган социализм шароитида. 19.30 — Юность Узбекистана. 20.25 — Сирдарё ГРЭСи қурувчилари учун концерт. 20.50 — Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги учун. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — С. Айний «Судхўрнинг ўлими». 23.30 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси. 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назариясн пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат —33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-61-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-03-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 03071. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 166.